Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 42 (7. 131) 1990 йил 21 февраль, чоршанба Баҳоси 3 тийин



⊙ ИПАК ТОЛА ЯРАТУВЧИЛАР. Тошкент тажриба пиллакашлик фабрикасининг ишлаб чиқариш илғорлари — Гулсара Эркабоева, комсомол комитетининг секретари Мастура Абдуллаева ва Дилором Эргашева.

КПСС XXVIII съезди олдидан: партияни янгилаш

ДАДИЛ ҚАДАМЛАР БЎЛСИН

⊙ КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездга Ҳаракат дастури лойиҳасида партияни янгилаш юзасидан дадил, инқилобий ғоялар илгари сурилган. Ҳозир совет кишилари, айниқса коммунистлар КПСС XXVIII съездига катта умид боғламоқдалар. Съезд ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда туб бурилиш ясайди, деб ишонмоқдалар. Мухбиримиз турли касб эгалари билан учрашиб, уларнинг шу хусусдаги фикрлари билан қизиқди.

Ш. ФАХРИДДИНОВ, «Сигнал» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари:

— Партиямиз Марказий Комитетининг февраль Пленуми ҳақида коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдираяптилар. Уларни ташвишга солаётган нарса партия зиммасига ғоят масъулиятли ва айни чоғда ҳаётий вазифаларни олганлиги ва эндиликда ҳар миллатнинг, ҳар жумҳуриятнинг муаммоси ўзига етарли эканлигидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов жумҳуриятимизнинг 45 фоиз аҳолиси қашшоқликда кун кечираётганини таъкидлаб, шундай деди: «Одамлар ўз эҳтиёжларининг қондирилишига қолдиқ принциплар билан ёндошишга қачонгача тоқат қила оладилар. Ахир, ҳеч бўлмаганда энг кам даромадли қандайдир норматив мезони бўлиши керак. Ҳозир янгиланаётган федерация шароитида республикалардан бири аҳоли турмуши даражаси жиҳатидан бошқа регионларга нисбатан икки баравар орқада қолишига йўл қўйиб бўладими, ахир?».

Вазият эндиликда шуни тақозо қилаяптики, партия янгиланиш йўлидаги қадамини янада илдамроқ ташлаши керак. Сир эмас, одамлар ўртасида, жумладан коммунистлар орасида «Беш йилдирки, қайта қуриш йўлидан кетяпмиз-у, нимага эришдик?» — деган ҳадиксираш ҳоллари юз бераяпти. Шу боис эндиги умид КПССнинг XXVIII съездидан. Ўйлайманки, навбатдаги съезд истиқбол йўлини белгилаб беради, деган гап.

З. МАҲАМАТОВА, «Ўртоқ» қандолат фабрикаси ишчиси:

— Мен ўзим партиясизман. Лекин Марказий Комитетнинг февраль Пленумини қизиқиш билан кузатиб бордим. Очиғини айтмоқчиман: партия раҳбарияти КПСС ишини қайта қуриш ишида шундай ҳал қилувчи ва қатъий йўлни белгилаган, деб роса ишонмаган эдим. Бундан жуда хурсанд бўлдим. Пленумда таъкидланишича, агар партиянинг ўзи тубдан қайта қурилса, ҳозирги шароитдаги снёсий ишлар саноатини эгаллаб олса, барча қайта қуриш кучлари билан муваффақиятли баҳамжиҳат ҳаракат қила олса, снёсий раҳнамолик вазифасини бажара олади.

С. ТИЛЛАЕВ, травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтининг ходими:

— Пленумдан чиқарган асосий хулосам шу бўлдики, мамлакатимизда оғир иқтисодий вазият вужудга келган бўлишига қарамай, ваҳимали шов-шувларга асос йўқ. Анжуманда сўз олган нотиқларнинг фикридан қандайдир янгилик, ўзгариш бўлиши сезилади. Жумладан, Конституциянинг 6-моддаси хусусида кўпчилик алоҳида тўхталди. Бу ҳам партиянинг қайта қуришга дадил киришганидан далолат беради.

Б. ФОЗИЛОВ, Тошкент саноатни қуриш трести пардозлаш бошқармаси бригада етакчиси:

— Ҳаракат дастуридаги бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов йиғилишларга ўтказиш масаласи турли фикрларни ўз ичига олмоқда. Баъзилар одатдагидек бу йиғилишни съездгача ўтказиш керак деса, яна кимдир съезддан кейинга қолдириш керак деяпти. Менимча, иккинчи фикрда жон борга ўхшайди. Негаки шу пайтгача партия анжуманн олдидан ва қабул қилган қарордан сўнг икки маротаба йиғилиш ўтар эди. Эндиликда бошланғич партия ташкилотлари фақат съезддан кейингина тўпласалар, съезд қабул қилган қарордан келиб чиқиб, ўз тадбирларини ишлаб борсалар бўларди.

Суҳбатни Ф. АСҚАРОВА уюштирди.

Муштарийлар таклифи

«ОҚШОМ» ДЎСТЛАРИ ДАВРАСИ

«Вечерний Ташкент» газетасининг 19 февраль — душанба сонидаги кўпгина материаллар орасидан А. Сапенконинг шаҳар оқшом газеталарини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги таклифи эътиборимизни ўзига жалб этди. Биз ўзаро фикр алмашиб, Тошкентнинг «Оқшом» газеталари клубини ташкил этиш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлашга қарор қилдик.

Албатта, мазкур газеталарга ҳамманинг муносабати ҳар хил бўлиши мумкин. Аммо сўнгги вақтларда «Оқшом» газеталари қизиқарли бўлиб қолганлигини, ўз ўқувчилари билан кўпроқ маслаҳатлашаётганлигини, оддий тошкентликларнинг фикрларини бериб бораётганлигини ҳам рад этиб бўлмайди. Газеталарнинг тобора оммавийлашиб бораётганлигини биз «Вечерний Ташкент» газетаси 170 минг нусхада, «Тошкент оқшоми» 140 минг нусхада чоп этилаётганлигидан ҳам билиб олдик. Бу ана шу газеталарни деярли барча тошкентликлар ўқишади, деган гап.

Аммо биз ҳаммамиз редакциянинг ижкир-чикирларидан, материаллар, газеталар қандай тайёрланишидан яхши бохабар эмасмиз. Маълум бўлишича, кам сонли коллектив ҳамиша катта қийинчиликларга дуч келар экан. Нима учун биз, барча обуначилар «Оқшом» журналистларига баҳоли қудрат ёрдам бера олмас эканмиз?

Шунинг учун редакцияга яқин орада Тошкентнинг «Оқшом» газеталари дўстлари клубини ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлаётганлардан иборат ташаббускор группани тўплашни ва ташкилий ишларни бошлаб юборишни таклиф қиламиз. Ўйлаймизки, кўпчилик «лаббай» деб жавоб беради. Ана шу учрашувда клуб ишининг йўналишларини, редакция коллективига ёрдамнинг турли кўринишларини муҳокама қилиш мумкин бўлар эди.

Н. Абдураҳмонова — пресловчилар бригадири.
М. Ҳакимова — пластмасса ўйинчоқлар йиғувчиси.
М. Сапронова — силлиқловчи, «Семурғ» фирмаси 2-цехининг ишчилари.

СССР Олий Советининг ўнинчи сессиясида

Ер тақдири—халқ тақдири

ТАССНИНГ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРЛАРИ КРЕМЛДАН ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

20 февраль эрталаб очилган навбатдаги ялпи мажлисда СССР Олий Советининг аъзолари раислик қилувчи А. И. Лукьяновнинг таклифи билан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ер тўғрисидаги қонун асослари лойиҳасини муҳокама қилишни давом эттирдилар.

Мазкур масала юзасидан ўтказилган мунозаранинг аввалги даврларида бўлганидек бу гал ҳам деҳқонга ерга эгалик ҳуқуқи берилиши зарурлигига ишонганлар билан бунга ҳали вақт эрта ва бу ҳатто хавфли қадам деб ҳисоблаётганлар ўртасидаги қарама-қаршилик сақланиб қолди. Масалан, депутат А. Ф. Касьяновнинг фикрига кўра, тақдим этилаётган «Тескари коллективлаштириш» лойиҳаси мамлакатни тўйдира олмайди. Мавжуд хўжаликларнинг яшаш қобилиятини, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлашни таъминлаш керак, деб ҳисоблайди у. Шу даражада масъулиятли бўлган ҳужжатни шошма-шошарлик билан амалга ошириш керак эмас, яъни энг аввало республика Олий Советларининг янги составлари маъқуллашлари лозим.

Депутат В. И. Штепа деҳқон якка хўжаликлари келажаги ва истиқболига ишончсизлик билан қаради. У колхоз ва совхозларнинг илмий ҳамда техникавий имкониятларини ошириш учун эътиборни қаратишга чақирди.

Депутат В. И. Белов ер масаласи тўғрисидаги Қонун амал қилишини тўхтатиб қўйиш тарафдорларига қаттиқ эътироз билдирди. Унинг сўзларига қараганда «марксизмга асосланган крепастнойлик ҳуқуқи йўқ бўлиши, деҳқон эса ердан бошқа ҳамма нарсадан эркин бўлиши лозим». Агар бизнинг баҳсларимиз ва мажлисларимиз тарихда қоладиган бўлса, деди у, унда бу фақат ана шу энг муҳим қонуннинг бугун қабул қилиниши туфайли бўлади.

Муҳокама қилинаётган ҳужжатнинг тақдирга дахлдорлиги тўғрисидаги фикрларга унинг моддаларига ҳам стилистик, ҳам принципиал жиҳатдан тузатишлар киритган нотиқларнинг кўпчилиги қўшилди.

СССР Олий Советининг баёноти

Бир қанча жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлар, жумладан турлича, баъзан эса бир-бирига зид позициялардаги ана шундай ташкилотлар ва ҳаракатлар 25 февраль куни Москвада, Ленинградда, Совет Иттифоқининг бошқа шаҳарларида намойишлар ва митинглар ўтказишга даъват этмоқдалар. Кўпчилик совет кишилари оммавий митинглар ва юришларга бунёдкорлик ва демократияга сира-сира алоқаси бўлмаган мақсадларни кўзлаётган экстремистлар ва жиноятчи унсурлар қўшилиши мумкин, деб хавотир бўлмоқдалар.

СССР Олий Совети СССР ҳукумати, жойлардаги халқ депутатлари Советлари зиммасига ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш учун барча зарур чораларни кўришни юклайди. Фақат ижозат берилса ва ўтказиладиган жойи аниқ кўрсатилган бўлсагина, митинглар ва намойишларни ўтказиш мумкин. Қонун-қоида бузилгудек бўлса, бундай ҳолларнинг пайи қатъият билан қирқилиши керак.

Қайта қуриш ва демократияни қонун ёрдамида ишончли ҳимоя қилиш зарур.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ.

ҚАЙТА ҚУРИШНИ ҲИМОЯ ҚИЛАЙЛИК

Вазиятнинг беқарорлашуви, айрим гражданларнинг ва турли гуруҳларнинг масъулиятсиз ҳаракатлари кўп сонли муаммоларни бундан баттар чигаллаштириб юбормоқда, қайта қуришнинг тақдирини хавф остида қолдирмоқда. Бугунги кунда қайта қуриш ҳимояга ва қўллаб-қувватлашга муҳтож.

Кеча «Восток», «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида, шаҳарнинг кўпгина бошқа меҳнат коллективларида бўлиб ўтган йиғилишлар ва митинглар-нинг қатнашчилари қайта қуришни қўллаб-қувватлаб ана шу ҳақда гапирдилар.

Тошкент меҳнаткашлари қайта қуришнинг тақдири учун хавотирда эканликларини баён этиб, ўз ҳаракатлари билан, миш-мишларни ва бўҳтонларни тарқатиш билан шаҳарда кескинликни вужудга келтираётганларга нисбатан янада қатъий чоратадбирлар кўриш зарурлиги ҳақида гапирдилар, ишлаб чиқаришда интизомни ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга, ишлаб чиқариш унумдорлиги ва иш сифатини оширишга, қайта қуришга ғов бўлаётган иқтисодий муаммоларнинг ечимини тезлаштиришга даъват этдилар.

Меҳнат коллективларининг йиғилиш ва митинглари давом этмоқда. Улар ҳақидаги материаллар «Оқшом» газетасининг яқин сонларида эълон қилинади.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ...

Тошкентда Миллатлараро муносабатлар республика маркази тузилди. Марказ ҳукумат қарорига мувофиқ Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ҳузурида ташкил этилди ва у миллий маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб туриши керак.

— Ҳар бир халқ ўз маданияти ва тилини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш имкониятига эга бўлиши лозим, — дейди Миллатлараро муносабатлар марказининг директори Ш. Н. Шарипов ЎзТАГ мухбирига. — Ўз она тилида алоқа қилинаётганида юзага келадиган ҳамжиҳатлик алоҳида аҳамиятга эга эканлиги сир эмас. Тил шундай руҳий муштаракликни, шундай нозик ўзаро алоқани, диллар яқинлигини вужудга келтирадики, бундай муҳит бошқа ҳеч қандай йўсинда пайдо бўла олмайди. Сўнгги вақтда пайдо бўлган миллий маданият марказларининг программ ҳужжатларида она тилини ўрганишга кўмаклашиш хусусидаги банд асосий вазифалардан бири сифатида ёзиб қўйилганлиги тасодифий эмас.

— Ўзингиз яқинда бош бўлган ташкилотнинг вазифалари тўғрисида, тузилган миллий-маданий марказларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигида унинг аҳамияти қандайлиги тўғрисида гапириб берсангиз.

— Мақсадимиз кам сонли халқлар вакиллари маданиятини ривожлантиришга кўмаклашишдир. Ҳозир Тошкентда саккизта маданият маркази ишлаб турибди. Тошкент областида ва республикамизнинг бошқа областларида бундай марказлар анчагина. Миллатлараро муносабатларнинг бошқа бир шакли — байналмилал марказлар ҳам кенг оммалашмоқда. Маданий марказларнинг пайдо бўлиши — ленинча миллий сиёсатнинг амалда бажарилиши бўлиб, бу XIX Бутуниттифоқ партия конференциясида режалаштирилган, КПССнинг миллий масалалар Ҳаракат дастурида белгилаб берилган. Айтмоқчи, Ўзбекистон Компартиясининг сайлов олди Ҳаракат дастурида ҳам мазкур муаммога эътибор берилади.

— Марказларнинг тузилиши — ҳали барча масалаларнинг ҳал этилиши деган гап эмас, бундай марказларни рўйхатдан ўтказиш чўзиб юборилаётганлиги, кўп илтимосларни, жумладан у ёки бу тилни болалар боғчаларида ўргатиш группаларини, синфларни очиш, радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувлар ташёрлаш ҳақидаги илтимосларни кўриб чиқишга тўраларча ёндашилаётганлигига кўп мисоллар келтириш мумкин.

— Афсуски, сансалорлик одамларда ишончсизлик уйғотади. Улар иложи борича тезроқ натижага эришишни хоҳлайдилар, лекин кўпинча «сабр қилинг, кўриб чиқамиз», деб жавоб беришади. Республика маркази кўп масалалар тезроқ ҳал этилишига ёрдам бериш ниятидадир. Бизда 10 киши ишлайди. Ташкилий-методик, миллий тиллар, миллий маданиятлар, урф-одатлар ва маросимлар бўлимлари тузилмоқда.

«Республика маркази қаерда жойлашган?» деган саволимизга Шавкат Назирович мавҳумроқ жавоб берди: «ҳозирча СССР халқлар дўстлиги музейи биносида жойлашсак керак. Афтидан, унинг бир қаноти бизга бериладиганга ўхшайди». Агар кўп марказлар миллий байрамлар, концертлар, миллий таом кунларини ўтказишни режалаштириб қўйганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ернинг торлик қилиб қолиши турган гап. Музейнинг чоғроқ биносида ҳаммани ҳам жойлаштириб бўлармикин? Зотан, матбуотда қурилиши тўхтатиб қўйилган «Осиё» ресторани биносини миллий-маданий марказларга бериш тўғрисидаги масала неча бор кўтарилган эди. Яна бир масала кўндаланг бўлмоқда. Марказ Маданият министрлиги ҳузурида тузилган. Лекин ушбу министрлик марказ режалаштираётган барча хайрли ишларни рўёбга чиқаришга қурби етармикан? Чунки министрликнинг моддий базаси унча бой эмаслиги маълум-ку.

«Меҳрибонлик» корхоналари

Тошкентда ижтимоий ўзаро ёрдам «Меҳрибонлик» жамиятининг хўжалик ҳисобидаги бешта корхонаси иш бошлади. Бу корхоналар меҳнатга лаёқатсиз ногиронларга қўлларидан келган иш билан шуғулланишда ёрдам беради. Йўналиши жиҳатидан ҳар хил бўлган бу корхоналарда пойабзал ва кийим-кечак тикиш билан, радио ва телевизорларни ремонт қилиш, спорт-соғломлаштириш жиҳозларини ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар. Меҳнатга лаёқатсиз ногиронлар бу корхоналарда бажараётган ҳамма ишларни санаб ўтиш қийин. Корхоналар фаолияти ўзаро фойдали бўлди: ногиронлар ва пенсионерлар ўзларининг арзимас пенсияларига қўшимча ҳақ ола бошладилар, жамиятимизга эса арзон моллар етказиб берилмоқда. Чунки жамият ишлаб чиқараётган маҳсулотга солиқ солинмайди, унинг корхоналари хом ашё ва ускуналарни имтиёзли нархда оладилар.

Бундан салкам ярим йил илгари тузилган жамият ногиронларга, ёлғиз пенсионерларга, ёрдамга муҳтож барча кишиларга кўмаклашишга қарор қилди. Ана шу кишиларга ишлаш имкониятини бериш асосий вазифа бўлиши керак эди. Шу боисдан «Меҳрибонлик» фаоллари ўзлари иш бошлаган дастлабки кунларданоқ ўз корхоналари тармоғини тузишга киришдилар.

— Кўпчилик бунга кучимиз етмайди, деб ўйлаган эди, — дейди «Меҳрибонлик» жамиятининг раиси С. Убайдуллаев ЎзТАГ мухбирига. — Пенсионерлар ва ногиронларга ёрдам берадиган мавжуд ташкилотларнинг иши билан шуғулланишади, гапдан нарига ўтишолмайди, деб ҳисоблашганди. Эҳтимол, шу сабабдан жамиятни тузишга ёрдам беришдан воз кечиш учун турли баҳоналар излашгандир...

Шундай қилиб, ёрдамга муҳтож бўлган ташаббускорлар ўз муаммоларини ўз кучлари билан ҳал этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Уларнинг аҳволини ўзгартиришга қодир бўлмаган, кўпинча эса ўзгартиришни хоҳламайдиган ташкилотлар бунга турли йўллар билан ҳалақит бердилар. Ўнлаб таъсисчилар орасидан фақат комсомолгина жамиятимизни чинакамига қўллаб-қувватлади. Бошқалари эса ҳозирча нима бўларкин, деганидек «қўл қовуштириб» туришибди.

Область комсомол комитети ҳузуридаги «Ёшлик» маркази ва Ленин район комсомол комитети ҳузуридаги ёшларнинг «Импульс» илмий-техника ижодиёти маркази жамият ҳисобига 10 минг сўмдан пул ўтказдилар. «Нур — Анварбанк» кооператив банкининг узоқ муддатли, ҳақ тўланмайдиган қарзи ҳам оёққа туришимизга ёрдам берди. Тошкентдаги «Зафар» ва «Қадам» кооперативлари «Меҳрибонлик» жамиятининг бўлимига айландн.

— Ҳозир Тошкентда 40 минг ногирон, 250 минг пенсионер бор, уларнинг ҳаммаси қўллаб-қувватлашга муҳтож, — дейди С. Убайдуллаев. — Бу одамларнинг муаммоларини ҳисобдан чиқариш мумкин эмас. Бизга арзимаган нарсаларда ҳам ёрдам беришдан бош тортишаётган бир вақтда уларни ишга жойлаштиришда аниқ ёрдам бериш ҳақида гапириш мумкинми? Ярим йил муқаддам шаҳар ижроия комитетига хат йўллаб, ногиронларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисидаги таклифларимизни айтган эдик. Маҳаллий маъмурлар ҳатимизга ҳалигача жавоб берганлари йўқ. Жамиятимиз ярим йил давомида шаҳар комсомол комитетининг биносида иш олиб борди.

«Меҳрибонлик» ўз корхоналари ёрдамида маиший муаммоларни ҳал этиш бирдан шуғулланиш ниятидадир. Масалан, корхоналарнинг бирида кўрлар кўчадан ўтишларига ёрдам берадиган зуммер қурилмаларини тайёрлашди. Энди эса ана шу қурилмани ишлаб беришга киришиш мумкин бўлган корхонани қидирмоқдалар. Вақоланки, ижроия комитетга шундай илтимос билан мурожаат қилган эдик, лекин афсуски, жавоб ололмадик. Ҳозир жамият фаоллари ногиронлар учун ўқув-ишлаб чиқариш марказини ҳамда болалар клубини ташкил этишга киришмоқдалар. Бу ерда болаларни турли мутахассисликларга ўргатадилар, уларнинг қобилияти ривожланишига ёрдам берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришга шахсий ҳисса қўшганлиги ва жамоат турмушида фаол қатнашганлиги учун қуйидаги ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»** фахрий унвони берди:

Мўминов Одил — Тошкент шаҳар 5-клиник касалхонаси бош врачи;

Расулов Атҳам — Тошкент шаҳар 1-клиник сил касалхонаси бош врачи;

Театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари, юксак ижрочилик маҳорати ва жамоат турмушида фаол қатнашганлиги учун республика сатира театрининг актёри ўртоқ Турдибек **Содиқовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони берди;

Республикада жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда кўп йил самарали ишланганлиги ва жамоат турмушида фаол қатнашганлиги учун Ўзбекистон ССР Давлат спорт комитетининг қўшма планлаштириш етакчи инспектори ўртоқ Мунира Маликовна **Тўйчиевага «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди;

Темирйўлчилар саломатлигини сақлашда, санитария-эпидемиология хизмати моддий-техника базасини ривожлантиришда кўп йил самарали ишлаганлиги ва жамоат ишида фаол қатнашганлиги учун Ўрта Осиё темир йўли Тошкент станциясининг санитария-эпидемиология станцияси бош врачи ўртоқ Светлана Абдуллаевна **Эшонхоновани** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади;

Республикада музика маданиятини юксалтиришга кўмаклашувчи актив ижодий, педагогик ва жамоат фаолияти учун композитор ўртоқ Нурилла **Зокировни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади;

Ёнғин чоғида болаларни қутқаришда мардлик, жасорат ва фидокорлик кўрсатганлиги учун СССР Олий Совети Президиуми номидан Тошкентдаги «Геологоразведка» тажриба-экспериментал заводининг токари ўртоқ Боймаҳамат Бадалович **Ҳолмўминовни** «Ёнғинда жасорат кўрсатганлик учун» медали билан мукофотлади.

Спорт

Сўнгги хабарлар

⊙ КЕЧА мамлакатимизда хоккей бўйича олий лига командалари ўртасида тўрт учрашув бўлиб ўтди. Турнир жадвалида пешқадамлик қилаётган командалар бир-бирлари билан учрашдилар. Марказий Армия спорт клуби — Москванинг «Динамо» хоккейчилари билан 4:4 ҳисобида ўйнаган бўлса, «Химик» «Крылья Советов» хоккейчиларини 6:0 ҳисобида енгиб 64 очко билан турнир жадвалида ягона пешқадам бўлиб қолди. Иккинчи ўринда Москванинг «Динамо» командаси 63 очко билан, учинчи ўринда эса Марказий Армия спорт клуби 61 очко билан боришмоқда. Қолган икки учрашув — «Сокол» — «Торпедо» (Г) — 8:3, «Динамо (Мн) — «Динамо» (Рига) — 1:4 ҳисобида тугади.

⊙ НАМАНГАНДА ўрта Осиёда биринчи маротаба 26 февралдан 1 мартгача «Пахтакор» командаси ўйинчиларининг хотираси учун халқаро хайрия футбол учрашувлари бўлиб ўтади. Бунда ўтган йилги мамлакатимиз чемпиони Москванинг «Спартак» футболчилари билан бирга Францияниг «Ред-стар», «Пахтакор» ва Наманганнинг «Навбаҳор» командалари бир-бирлари билан учрашадилар.

Ҳамшаҳарлар, Сизлар учун

«ЮНУСОБОД» САВДО РАСТАСИ



Юнусобод массивининг 19-кварталида барпо этилган янги универсал магазин яқинда ўз эшикларини очди.

Уни қисқа фурсат ичида фойдаланишга топширишда Ўзбекистон савдо жиҳозлари ишлаб чиқариш комбинати ва «Союзторгреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари қатор корхона ва ташкилотлар ўз ҳиссаларини қўшишди.

— Пештахталаргина эмас, дид билан жиҳозланган жиҳозлар ҳам одамнинг дилини яйратади. Унга қараб ишлаётган нарсангни топгандек бўласан, — дейди магазиннинг дастлабки харидорларидан бири, меҳнат ветерани Исомиддин ака Сирожиддинов. — Айниқса, фойени айтмайсизми! Унга қўйилган кўрсаткичлар сизни қаерда нима харид этишингизга ёрдам беради. Вақт ўтказмай ўзингизга керакли бўлимда бир зумда ишингизни битириб чиқасиз.

Янги магазин ҳақиқатан ҳам ўзига хос. Унда халқимизнинг ажойиб миллий анъаналарини ифода этишга, давр билан уйғунлаштиришга чинакамига эришилган.

Магазинда ҳозир 11 та бўлим ишлаб турибди. Уларнинг ҳаммасида ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш усули йўлга қўйилган. Умумий савдо саҳни 3200 квадрат метрдан иборат бўлган бу магазинда харидорларга 160 киши хизмат кўрсатмоқда.

Эндиликда магазиннинг хизмат доирасини янада кенгайтириш кўзда тутилмоқда. «Юнусобод» савдо растасида яқин ойлар ичида ветеранларга хизмат кўрсатувчи алоҳида бўлим ҳам ишлай бошлайди. Унда Киров районида истиқомат қилаётган кўплаб Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилади.

Р. АҲМАДАЛИЕВ.
СУРАТДА: «Юнусобод» савдо растаси.

Т. Каримов суратлари.

⊙ Бугунги кунда пойтахт коллективлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумни ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Тошкент шаҳри аҳолисининг ҳаёт таъминотини тубдан яхшилаш ва шаҳарнинг тарихий районларини реконструкция қилишни жадаллаштириш юзасидан 1991—1995 йилларга мўлжалланган биринчи навбатдаги тадбирлар тўғрисида»ги қарорини қизғин муҳокама қилиб, мазкур қарор юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни белгилаяптилар. Қуйида мана шу соҳага оид айрим фикр-мулоҳазалар билан таништирамиз.

Бу ҳақда шаҳар партия-хўжалик фаоллари йиғилишида гапирилган эди

Биринчи галдаги вазифалар

А. ДАВЛЕТОВ,
«Ўзбиттехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг котиби.

— Сўнгги пайтларда жумҳурият пойтахтининг ҳар томонлама тараққий этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу борада жумҳурият партия ва ҳукумати томонидан махсус қарорнинг қабул қилиниши биз учун ниҳоятда муҳим воқеа бўлди.

Тошкент шаҳрида уй-жой муаммоси бугунги кунда кўндаланг турган ниҳоятда муҳим масалалардан. Юзлаб одамлар уй-жой шароитини яхшилаш учун навбатда турибдилар. Лекин қурилиш ташкилотлари ҳар сафар турли баҳоналарни сабаб қилиб, уй-жой қурилишини орқага тортяптилар. Ахир, кўплаб кишиларнинг талабини қуруқ ваъдалар билан қондириб бўлармиди?

Бугун баъзи бир оилалар кўп сонли бўлишига қарамай ниҳоятда тор квартираларда истиқомат қиляптилар. Лекин шу вақтнинг ўзида кўплаб турар жой биноларида турли-туман идоралар, даволаш муассасалари, қоғоз қабул қилиш пунктлари жойлашган. Фақатгина мана шундай квартираларни бўшатиш ўнлаб, юзлаб оилаларни уй билан таъминлаш имконини берган бўлур эди.

Шаҳар ҳавосининг, сувларининг мусаффолиги ҳам бефарқ бўлмасликка ундаяпти. Ахир, биз мана шу ҳаводан нафас оляпмиз. Илгарилари анҳорларни тўлдириб оққан зилол сувлардан бугун асар ҳам йўқ. Экологиянинг заҳарланишига автомобиль транспорти ва ҳаракат воситалари ҳам сабабчи бўляпти. Балки бугун биз марказий кўчаларда фақатгина маршрутли транспортлар ҳаракатини йўлга қўйишимиз керакдир? Чунки марказий йўлларда автотранспортнинг камайиши бу ердаги ҳавонинг бирмунча тозаланишига имкон бериши мумкин.

Хуллас, Тошкент шаҳри ҳар томонлама тараққий этаётган, маданиятли, яшил шаҳарга айланиши ва энг муҳими унинг аҳолиси яхши турмуш маданиятига эришиши лозим.

В. САВИНОВ,
Электромеханика маҳсулотлари заводи партия комитетининг котиби.

— Тошкент шаҳрининг қандай бўлиши тезроқ амалий ишларга киришишни, мутасадди ташкилотларнинг бу ишга алоҳида эътибор билан ёндошишини талаб қилади. Райижроқўм ва бошқа мутасадди ташкилотлар аҳолининг ўринли талаб ва истакларини ўрганиб, бу борада амалий тадбирларга бугундан киришишлари кўрак.


Ҳамза райони аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб боряпти. Бу эса маданият муассасаларини янада кўпайтириш зарурлигидан далолат бериб турибди. Бугун айниқса турар жойларда аҳолига қулайлик яратиш учун мактабгача тарбия муассасаларини кўпайтириш керак. Чунки биз фақатгина турли корхона ва муассасаларга тегишли бўлган боғчаларни кўпайтиришга катта эътибор беряпмиз. Лекин кўпгина хонадонлар ўз фарзандларини имкон борича яқинроқ жойга берсам дейишади. Шу хусусда Ҳамза районининг Жарқўрғон ва Оқ дарё маҳаллаларини ана шундай боғчаларни қуриш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, аҳолини сут маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам яхши аҳволда эмас. Жарқўрғон массивида сут дўкони қуриш ҳам бугун райондагилар учун ниҳоятда керак. Биргина мана шу кўчада 3 та мактаб, 3 та ҳунар-техника билим юрти, 10 та саноат корхонаси, 3 та база бор. Демак ҳар куни шаҳарнинг турли бурчакларидан эътибор беришимиз керак.

Биз ҳар сафар муаммолар ҳақида гап кетганда экология масалаларини олдинга сурамиз. Лекин назаримда бу соҳада бажарилаётган ишлар ҳозирги давр талабига жавоб бермайди. Тошкентда ҳавони заҳарлайдиган корхоналар қурилиши давом эттириларди. Ҳамза районидаги биргина сунъий ювиш воситалари заводини олайлик. Бу ерда меҳнат қилаётган ишчиларга раҳмат айтиш керак. Ахир, фойдаланилаётган кўпгина моддалар зарарли. Қолаверса, заводнинг ўзи район ҳавосини нечоғлик булғаётганини ҳамма яхши билади. Ана шундай корхоналарни имкони борича шаҳардан ташқарига олиб чиқиш лозим

Ишчи ва хизматчиларнинг сабзавот ва мевалар билан таъминланиши ҳам кўнгилдагидек эмас. Мен уларга имкон борича шаҳарга яқин жойлардан боғдорчилик билан шуғулланиш учун ер ажратиш тарафдориман. Бу озиқ-овқат. дастурининг амалда бажарилишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Лекин энг муҳими махсус қарор қоғозда қолиб кетмаслигига ва аҳоли барча талабларининг амалга ошишига ёрдам беради.

Суҳбатни
В. МАДИМАРОВА
ёзиб олди.

ТАЖРИБА—ИШ КЎЗГУСИ





ССРР Химия саноати министрлигига қарашли қадоқлаш ва ўраш ускуналари тажриба-конструкторлик бюросида ўз вазифасига ижодий ёндошиб, меҳнат самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган ишчилар кўпчиликни ташкил этади. Мазкур бюронинг тажриба бўлимида айни кунларда нефть ва химия саноати учун қадоқлаш ускуналари тайёрланмоқда. Бу ниҳоятда масъулиятли ҳисобланади. Техниканинг келгусида юксак унум билан ишлаши деталларни йиғувчи ҳар бир ишчининг виждонан меҳнат қилишини талаб қилади. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, бўлим коллективи ана шу вазифани шараф билан уддалаб, меҳнат рақобатида пешқадамликка эришяпти.

Яхши кўрсаткичларни қўлга киритаётган ишчилардан бири Евгений Казанцев юқори малакага эга тажрибали слесарь-асбобсозчидир. У амалга ошираётган барча жараёнлар ўзининг юксак сифатлилиги билан ажралиб туради. Коллективда уч йилдан бери ишлаётганига қарамай ўз касбининг барча сир-асрорларини мукаммал ўзлаштирган. Шахсий тамға билан меҳнат қилаётган бу ишчи ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборини қозонган.

Конструкторлик бюросининг тажриба бўлимидаги яна бир моҳир ишчи В. Топорковдир. Уни меҳнат коллективи моҳир мураббий сифатида билади. Ҳозиргача ўз касбининг илк сабоқларини мана шу ишчидан ўрганган кўплаб ёшлар ҳозир мустақил фаолият кўрсатяптилар. Машинанинг Валерий йиққан қисмлари ҳар доим бекаму кўст бўлади. Ишни бенуқсон, ниҳоятда сифатли қилиб бажаришда ҳамкасблари унга тенглашишга ҳаракат қилишади.

Цех бошлиғи Т. М. Денисенко коллективнинг ютуқлари юқорида номлари тилга олинган соф виждонли ишчилар туфайли қўлга киритилаётганини айтди. Чунки ҳар бир ишчининг шахсий ютуқларигина самарали якуний кўрсаткичларни яратади. Қолаверса, аҳиллик, ўзаро ҳамкорлик, тезкорлик ва самарали ишлаш бу ерда ўз натижасини кўрсатяпти.

У. УСМОНОВ.

СУРАТЛАРДА: силлиқловчи Е. Казанцев, слесарь В. Топорков.

Муаллиф суратлари.

КОРХОНА МАШЪАЛЛАРИ

⊙ Электр транспорти корхоналари орасида ўтказилган социалистик мусобақа ўз самарасини кўрсатди. Троллейбусларни техник томондан пишиқ ва пухта олиб юриш, хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш йўлида фидокор бўлган 1-троллейбус депосининг коллективи биринчи ўрин олиб Кўчма Қизил байроқ, Фахрий ёрлиқ ва 1000 сўм мукофот олишга эришди.

Бунда машъал ҳайдовчилар М. Мирниёзов, Е. Хромушина, Э. Ниёзалиев, Ю. Содиқов, кашфиётчилар В. Кузьмин, В. Смоленников, В. Черенковлар ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ КЎПАЯДИ.

⊙ Шаҳримиздаги қатор саноат корхоналари қатори Ўрта Осиё электр аппарат ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга муҳим эътибор берилмоқда. Айни кунларда корхонада 50 дан зиёд буюмлар тайёрланмоқда. Бунда уй-рўзғор буюмларидан ташқари болалар учун турли ўйинчоқлар ҳам савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

БУГУН корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сони яна бир неча хилга кўпайди. Бу ҳар хил безакли электр розеткалар, якка тартибда уй қурувчилар ва «Семурғ» маросимлар клуби буюртмаларидир. Шуниси қувончлики, коллектив аёлларимиз учун ҳам етти хил вазифани бажарадиган ошхона машинаси тайёрлашни йўлга қўйди.

Д. АЪЛОЕВ.

Инсон омилига эътибор

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

ТОШКЕНТ тажриба-механика экскаватор ремонти заводининг миллий таомлар ошхонасида суҳбатлашиб ўтирган икки ишчи эътиборимизни тортди.

— Ошхонанинг ишга туширилгани яхши бўлди-да, — деди уларнинг бири. Илгарилари лағмон ёки ош ейиш учун нуқул корхонадан ташқарига чиқишга мажбур бўлар эдик. Энди эса бунга сира ҳам зарурат йўқ.

— Албатта, —иккинчи ишчи суҳбатдошининг фикрларини қўллаб-қувватлади. —Оғир ишда ишлаганингдан кейин яхши овқатланишга нима етсин. Айниқса, бунга бир пиёла чой ҳам қўшилса янада яхши бўладн.

Ҳақиқатан ҳам кейинги йилларда корхона маъмурияти инсон омилига катта эътибор бермоқда. Илгари ишчи ва хизматчилар фақат европача таомлар ошхонасида овқатланишарди. Ишчиларнинг овқатланиши учун яхши шароит яратиб бериш мақсадида завод маъмуриятининг ташаббуси билан ўтган йили ўзбек миллий таомлари ошхонаси фойдаланишга топширилди. Эндиликда бу ерда қовурма лағмон, ош, шўрва ва лағмон каби овқатлар ҳам тайёрланмоқда. Тайёрланаётган таомларнинг сифатидан ишчилар чуқур қониқиш ҳосил этишаяпти.

— Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, — дейди биз билан суҳбатда корхона касаба уюшмаси раиси Владимир Кулагин. — Ҳозирги қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида ишчи ҳамда хизматчиларимизнинг социал шароитини яхшилаш завод маъмурияти, касаба уюшмаси ташкилотининг диққат марказида турибди. Ўтган йили шу мақсадда корхона 498 минг сўм ажратди. Маблағ асосан ўзлаштирилди. Корхонани таъмирлашга эса 523 минг сўм сарфланди.

Хўжалик йўли билан ўтган йилнинг ўзида иккита тўққиз қаватли турар жой биносини фойдаланишга топширдик. Натижада шу икки йил ичида ишчи ва хизматчиларимиздан 165 киши турмуш шароитларини анча яхшилаб олишди. Заводимизда ҳаммаси бўлиб 1284 киши ишлашини ҳисобга олсак, бу кўрсаткич ёмон эмас, албатта. Умуман олганда, 1988 йили квартира олиш ёки уй шароитини яхшилаш учун 270 киши навбатда турган бўлса, бу навбат 1989 йил охирига келиб 105 га қисқартирилди. Натижада заводда кадрлар қўнимсизлиги анча камайди.

Бундан ташқари Чимён тоғ бағирларида ўзимизнинг дам олиш зонамиз ишлаб турибди.

У ерда, бошқа санаторий ва курортларда ҳар йили ишчи ва хизматчиларимиз ўз соғлиқларини тиклаб, дам олиб келмоқдалар. У ерда яна корхона пионер лагери ҳам бор. Ишчи ва хизматчиларимизнинг болалари ҳар йили ёзги таътилларини ўтказмоқда. Заводимиз қошида ишчиларга, инженер-техник ходимларга медицина хизматини йўлга қўйганмиз. Алоҳида медицина пункти ишлаб турибди. Шунингдек, ишчилар учун кўп тармоқли санаторий-профилактарий қурилиши айни кунларда жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

— Корхонани қайта таъмирланиши бизга қўл келмоқда, — суҳбатга қўшилди темир кесувчи Дамин Акабоев. — Яқинда иккита янги корпус ишга туширилди. Унга янги техника ҳамда хом ашё тайёрлаш участкалари жойлаштирилди. Мен шу хом ашё тайёрлаш участкасида ишлайман. Эски цехнинг тўрт томони очиқ эди. Қишда совуқдан жунжикиб, ёзда иссиқдан димиқиб ўтирардик. Қолаверса, ситувчи ва совутувчи вентиляция ҳам йўқ эди. Янги цехда эса ишлаш учун ҳамма шароит муҳайё. Бундан ташқари унга тўртта станок ўрнатилган. Бу эса шу участкада қўл меҳнатини анча камайтирди. Мен ўзим завод ётоқхонасида тураман. У ерда ҳам ишлаш учун шароит яхши. Иссиқ ва совуқ сув ҳамма вақт бор, яхши дам олиш учун қулай имкониятлар яратилган.

Ҳа, кўриниб турибдики, Тошкент тажриба-механика экскаватор ремонти заводида инсон омилига катта эътибор берилаяпти. Бу эса ишчиларнинг ўз план ва топшириқларини оширибгина қолмай, сифатли бажаришга илҳомлантирмоқда. Бунга мисол қилиб корхонада ўтган йилги план ва мажбуриятларни қандай қилиб бажарилганлигини олсак бўлади. Корхонада шартнома мажбуриятлари тўла бажарилди. План 100 фоизга етди. 13 миллион 280 минг сўмлик товар маҳсулоти ўрнига 14 миллион 23 минг сўмлик товар маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари соф фойда корхонада бир миллион 970 минг сўмни ташкил этди. Коллектив меҳнат аҳли эндиликда эришилган ютуқларни ғалвирдан ўтказмоқда.

Ғ. ЮСУПОВ.

Хориждан хабарлар

⊙ ЛОНДОН. Икки ойдан кейин Исроилнинг Негев саҳросида «Америка овози»нинг ва «Озодлик» радиосининг радиоретрансляцион станцияси қурила бошлайди. Унинг ёрдамида Марказий ва Жанубий Осиёга, Шарқий Европа ва Африкага махсус программаларни эшиттириш режалаштирилмоқда. Рейтер агентлиги Америка ва Исроил расмий вакилларининг баёнотларига асосланиб шундай хабар қилди.

Исроил алоқа министри Гад Яакобининг айтишича, мазкур лойиҳа Тель-Авив билан Вашингтон ўртасида тузилган «Стратегик ҳамкорлик» тўғрисидаги битим доирасида амалга оширилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард доллар ажратилган.

⊙ ТЕҲРОН. Эроннинг жануби-ғарбида жойлашган Систон ва Белужистон вилоятларида юз берган табиий офат оқибатида ўн бир киши ҳалок бўлди. Олинган хабарларга қараганда, уч кун давом этган жаладан кейин Бахукелат ва Кажу дарёларининг суви тошиб, Чахбехар шаҳри атрофида жуда катта майдонларни сув босган. 15 мингдан кўпрок одам ташқи дунёдан ажралиб қолди, қишлоқ хўжалик экинларига ва деярли 60 та аҳоли пунктига катта зиён етди. Вилоят маъмурлари жабрланганларга ёрдам бермоқдалар. Самолётлар ва вертолётлар ёрдамида уларга кийим-кечак, озиқ-овқат, дори-дармонлар келтириляпти.

⊙ ИСТАНБУЛ. Турк зиёлилари вакилларининг катта гуруҳи кеча бу ерда баёнот тарқатиб, маъмурлардан республика жиноят кодексининг «мамлакат турмушини демократиялашга тўсқинлик» қилаётган 141 ва 142-моддаларини бекор қилишни талаб этди. Бу икки моддага кўра, хусусан, Компартия фаолияти тақиқланган. Баёнотда, деб хабар қилади «Жумҳурият» газетаси, Туркия Бирлашган Компартиясининг Истанбулда қамоққа олинган аъзоларини озод қилишга даъват ҳам бор.

Баёнот ўқиб эшиттирилган матбуот конференциясида таниқли турк ёзувчиси ва жамоат арбоби Азиз Несин сўзга чиқиб, демократия фикр ва эътиқодлар эркинлигини ҳамда уларни очиқ айтиш ҳуқуқини тан олишини билдиришини таъкидлади.

«Герюш» журналининг бош редактори Чиғатой Анадол давлат тўнтаришидан кейин тўққиз йил ўтган бўлса-да, мамлакатда ҳарбий режим қолдирган «сезиларли излар» ҳануз сақланиб қолаётганини, демократияга путур етказишга қаратилган ҳаракатларга ҳали ҳам йўл қўйиб берилаётганлигини таъкидлади.

⊙ ДЕҲЛИ. Ҳиндистоннинг жанубидаги Бангалор шаҳри аэропортида юз берган авиация ҳалокати оқибатида юздан зиёд одам ҳалок бўлди. Фожиа Ҳиндистон авиакомпаниясининг Бомбайдан 142 нафар йўловчини олиб келаётган А—320 аэробусн қўниш учун пастлаётганида юз берди. Дастлабки маълумотларга қараганда, 35 киши тирик қолган.

(ТАСС).



ИТАЛИЯ. Пизадаги машҳур «қулаётган» минора саккиз асрлик тарихида биринчи марта зиёратчилар учун ёпиб қўйилди. Пизада минора калитларини шаҳар ҳокимига топшириш маросими бўлди.

Шаҳар маъмурлари Жамоат ишлари министрлигининг (оламга машҳур меъморчилик ёдгорлигининг аҳволини кузатиб бориш ҳам шу министрлик вазифасига киради) махсус илмий-техника комитети фармойишидан сўнг ана шундай қарор қабул қилди. Минора апрель ойининг бошларига қадар, ҳунумат вакилларининг баёнотига кўра, уни қутқариб қолишининг лойиҳаси тақдим этилиб, махсус маблағлар ажратилгунча ёпиқ туради.

СУРАТДА: машҳур Пиза минорасининг сўнгги зиёратчилари.

АП—ТАСС сурати.

Сиз бунга нима дейсиз?

Кўчаларга қандай ном бериш керак?

НОМЛАРИНИ ЎЗГАРТИРИШ МУМКИН ҲИСОБЛАНГАН КЎЧАЛАР РЎЙХАТИ

Кўчанинг номи	Эслатма ва қўшимчалар
ОКТЯБРЬ РАЙОНИ	
⊙ Авангард	
⊙ Авиационний	
⊙ Активний	тор кўча
⊙ Аллея	берк кўча
⊙ 2—Пятилетки	
⊙ Заболотного	
⊙ Звеньевая	
⊙ Зеленая	
⊙ Искра	
⊙ Каретний	
⊙ Колючий	берк кўча
⊙ Композиторов	
⊙ Костерний	берк кўча
⊙ Кривой	берк кўча
⊙ Куралинский	берк кўча
⊙ Ласточка	берк кўча
⊙ Обувная	
⊙ Овражний	тор кўча
⊙ Открытий	берк кўча
⊙ Охотник	берк кўча
⊙ Пальма	берк кўча
⊙ Парман	
⊙ Профсоюзная	
⊙ Розовий	тор кўча
⊙ Ромашка	берк кўча
⊙ Связистов	берк кўча
⊙ Стрела	берк кўча
⊙ Техника	тор кўча
⊙ Энтузиастов	
⊙ Аносов	берк кўчаси билан
⊙ Золотой	берк кўча
⊙ Клинцовская	
⊙ Коммунизм	тор кўчаси билан
⊙ Кремлёвская	
⊙ Луговская	
⊙ Орлиний	берк кўча
⊙ Пугачев	
⊙ 2—Пятилетка,	
⊙ Социализм	
⊙ Урсатьевский	
⊙ Ушелье	берк кўча
СЕРГЕЛИ РАЙОНИ	
⊙ Абрикосовий	
⊙ Аппаратная	
⊙ Аэропорт	
⊙ Восточная	1 та тор, 2 та берк кўчаси билан
⊙ Днепр	
⊙ Дорога «Тошкент—Спутник»	
⊙ Заречная	7 та тор кўча, 1, 2, 3-переулок, 1, 2, 3, 4, 6, 8 берк кўчаси билан
⊙ Локомотивная	(Ленин районида ҳам бор)
⊙ Мостоотряд	
⊙ Питомная	2 та берк кўчаси билан
⊙ Прохладний	берк кўча
⊙ Радиоцентр	
⊙ 7, 9, 10 ,11, 13, 18, 19, 21	
ФРУНЗЕ РАЙОНИ	
⊙ Костерний	
⊙ Багарная	
⊙ Башлик (Ҳозир массивга айланган тарихий номи «Қушбеги»)	
⊙ Белостокский	
⊙ Вечерний	берк кўча (А. Икромов районида «Оқшом» кўчаси бор)
⊙ Временная	
⊙ Виборгская	3 та кўча
⊙ Голубой	переулок
⊙ Дальная	
⊙ Данко	
⊙ Дачний	тор кўча
⊙ Загорская	
⊙ Западная	1 та тор кўчаси билан
⊙ Зимняя	
⊙ Зольная	переулок билан
⊙ Ивановская	
⊙ Текстильшиков	
⊙ Карборундовая	
⊙ Кармелюк	
⊙ Конституция	
⊙ Короткий	тор кўча
⊙ Короткий	переулок
⊙ Крупичний	берк кўча
⊙ Кустарей	2 та тор кўчаси билан
⊙ Летний	берк кўча
⊙ Ниточная	1 та тор, 1 та берк кўчаси билан
⊙ Обувная	
⊙ Парашютистов	
⊙ Парфюмерная	тор кўчаси билан
⊙ Пограничная	
⊙ Приаричная	
⊙ Ракетная	
⊙ Ремонтная	тор кўчаси билан
⊙ Северная	
⊙ Солнечная	берк кўча
⊙ Средняя	
⊙ Стобовая	
⊙ Танкистов	
⊙ Текстильмашская	2 та тор кўчаси билан
⊙ Театральная	1 та тор кўчаси билан, 1 та переулок билан
⊙ Ткачей	
⊙ Тропическая	
⊙ Фабричная	
⊙ Фасадная	
⊙ Фигурная	тор кўчаси билан
⊙ Физкультурно—Грузовая	
⊙ Фрезерная	
⊙ Хлопковая (Октябрь районида «Пахта» кўчаси бор)	
⊙ Цеховая	1 та тор, 1 та берк кўчаси билан
⊙ Челночний	2 та тор кўчаси билан
⊙ Черешневая	
⊙ Шелковичная	
⊙ Белостокский	1, 2-тор кўча
⊙ 2—Набережная	
⊙ Орловская	
⊙ Б. Хмельницкий	
⊙ Черепичний	тор кўча
⊙ Школьная	берк кўча

Қайта номланиши лозим бўлган мавзелар

⊙ Ц-1	⊙ Ц-11
⊙ Ц-2	⊙ Ц-12
⊙ Ц-4	⊙ Ц-13
⊙ Ц-5	⊙ Ц-14
⊙ Ц-6	⊙ Ц-20 («Лабзак» ва «Тахтапул» оралиғида жойлашадиган янги мавзе)
⊙ Ц-7	
⊙ Ташавтомаш-1	
⊙ Ташавтомаш-4	
⊙ Ташавтомаш-2	⊙ Ц-22

(Охири. Бошн газетанинг 38 ва 41-сонларида).

ЭСЛАТМА: тор кўча — проезд, берк кўча — тупик.



Олима тавсия этади

ФАРЗАНД ИСМИ

⊙ Ҳар бир ота-она орзиқиб кўрган фарзандига чиройли ва мазмундор исм қўйишга ҳаракат қилади. Баъзи бировлар фарзандига ҳатто у туғилмасдан олдинроқ ҳам аллақачук чиройли исмларни ўйлаб юради, китоблардан излаб топади, кишиларнинг исмига қулоқ солиб юради. Хуллас, болага исм қўйиш удумини (одатини) содда қилиб қуйидагича изоҳлаш мумкин. Масалан, қариндош-уруғ, қўни-қўшини ёки таниш-билишлар орасида пиру бадавлат, бахтли-тахтли, униб-ўсган кишилар бўлса, келажакда (катта бўлганида) менинг болам ҳам ўшаларга ўхшаб бахтли бўлиб юрсин, деб ҳавас билан уларнинг исмларини олиб боласига қўяди.

Баъзи оилаларда ўтган ота-боболарининг, буви-аяларининг, катта бувиларининг номини болаларига қўйишади.

Айрим ҳолларда — боламиз катта бўлганда кўнгилчан, оқибатли, меҳрибон бўлсин деган ўй-хаёлларга бориб ўз фарзандларига — Меҳри, Меҳринисо, Меҳриноз, Меҳригул, Меҳрбек, Раҳим, Раҳимберди, Раҳима, Раҳимабону, Бобораҳим, Вафо, Вафодор, Оқибат, Дўстжон, Дўстмуҳаммад ва ҳоказо исмларни қўядилар.

Фарзандимиз бахтли, бадавлат, омадли бўлсин деган умидда: Давлат, Даврон, Бойсун, Боймуҳаммад, Бойбўта, Бойсаид, Боймирза, Бахтиёр, Саодат, Роҳат, Роҳатой каби исмлар беришади.

Нуридийдамиз катта бўлганида элюртга бош бўлсин, катта ишларда ишласин, деган эзгу ният билан ота-она ўз фарзандларига — Саркор, Сардор, Сарвар, Амир, Амин, Муҳаммадамин сингари отлар қўйишади.

Ҳар қандай ота-она кўз нури билан боққан боласининг чиройли, келишган, қўлик, сарвқомат, гўзал бўлиб вояга етишини истайди. Шундай орзу билан фарзандларига Гўзал, Гўзалхон, Гулчеҳра (яъни, гулюзли), Барно (чиройли), Паризод, Парваш, Суқсур, Ойбарно (ойдек гўзал), Гулруҳ (гулга ўхшаш), Моҳичеҳра (ой юзли), Зебо (гўзал), Дилбар (дилни тортувчи, гўзал, севгили маҳбуба), Дилафрўз (дилни ёритувчи, кўнгилни шод этувчи, мафтункор, гўзал) каби кўпдан-кўп ажойиб, жозибадор исмларни беришади.

Поклик, тозалик маъноларини англатувчи — Озода, Покиза, Тозагул, Масъума (гуноҳсиз, пок, тоза) каби исмларни қўйишади.

Халқ ичида қўлланиб келаётган, яъни болага турли нарса-буюмларнинг (турли-туман қимматбаҳо тошларнинг, мева-чевааларнинг, юлдуз ва сайёраларнинг), қариндош-уруғга хос сўзларнинг ном қилиб қўйилиши жуда қизиқ ҳодиса. Масалан, Болта, Болтабой, Болтанисо, Теша, Тешабой, Урок, Шўра, Шувоқ, Забаржат, Лаъли, Ёқут, Жавоҳир, Зумрад, Гавҳар, Феруза, Маржон, Олтин, Олтиной, Тилло, Кумуш, Юлдуз, Ойхон, Ойдин, Ойнисо, Ҳулкар, Офтоб, Қуёш, Яшин, Отабой, Отажон, Отабек, Отақўзи, Отаёр, Отаназар, Боботохон, Бобоёр, Бувихон, Бувинисо, Ачахон, Онахон, Онабиби, Энахон, Тоға, Холамойи кабилар.

Ҳаммамиз яхши биламизки, чақалоқ бирор жисмоний ёки табиий белги билан туғилса унга махсус номлар қўйилади. Масалан, Нор, Норбой, Нортой, Норгул, Норинисо, Нортожи, Норпошша, Тожибой, Тожиддин, Тожихон, Ойтожи, Холтой, Холдор, Холхўжа, Холбек, Холида, Холнисо, Холпошша, Ортиқбой, Ортиқой, Қўшоқ, Қўшақбой, Бўрибой, Бўрихўжа, Қорабой, Қоражон, Коратой, Оқой, Мелибой, Мелихон, Суннат ва ҳоказо.

Чақалоқларга турли парранда, ҳайвон ва жониворларнинг номи исм қилиб қўйилиши ҳам жуда қизиқ ҳодиса. Масалан, Қўзи, Қўзибой, Қўзихон, Отақўзи, Тойбек, Кўчқор, Кўчқортой, Бўрибой, Арслонбек, Шер, Шерхон, Шербек, Шермуҳаммад, Қоплон, Қоплонбек, Тўти, Тўтинисо, Қумрихон, Олмахон ва бошқалар.

Эл-юрт ичида доим эъзозлансин, азиз ва мўътабар, ширин, ёқимтой бўлсин деб, ота-боболар ўз арзанда фарзандларига — Азиз, Азиза, Мўътабар, Мукаррам, Суяр, Шакар, Асал, Лазиз, Асалхон, Асалой, Чучук, Баҳридил, Лаззат, Эъзозхон каби чиройли исмларни қўйишади.

Хулоса қилиб айтганда, боланинг чиройли исми унинг ҳусни ва бахтидир. Шундай экан, фарзандларимизга гўзал ва маъноли исмларни танлаб қўяйлик.

Мақсуда СОДИҚОВА,
филология фанлари номзоди.

Ипаклари тиллодан

⊙ ХОТИН-қизларимизнинг энг севимли либосларидан бири рўмолдир. Чиройли, бежирим рўмол уларга жуда ярашади. Аёлларимиз севиб харид қиладиган бу рўмолларнинг қандай ишлаб чиқарилиши албатта ҳар бир кишини қизиқтирса керак.

Бундай чиройли ва бежирим рўмоллар шаҳримиздаги «Учқун» тўқимачилик-атторлик буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бадиий гул босиш фабрикасида яратилади.

Фабриканинг тикув цехи тикувчи-мотористкаси Дилбар Дўсмуханова ана шундай чиройли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ёш бўлса-да, уни бадиий гул босиш фабрикасида ҳамма ҳурмат билан тилга олади. У тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги ва ўз ишини сидқидилдан севганлиги сабабли тезда кўпчиликка танилди. У ҳозирги пайтда фабрика илғор ишчилари сафидан жой олди. Ёш ишчининг фабрикага ишга келганига эндигина икки йилдан ошди. Тажрибали ишчи Роза Кармаузина шогирдига тикувчилик сирларини ўргатди. Тикувчилик касби унинг учун севимли касб эди. Дилбар мактабни битириб бир йил махсус курсда ҳам таҳсил олганди. Шунинг учунми, қийинчиликларни тез енгиб ўта бошлади.

Пешқадам ишчи кунига пландаги 480 та ўрнига 650 тача рўмолнинг четини тикади. Ўтган йили корхона 5 миллион 300 минг дона чиройли рўмол ишлаб чиқарди. Корхона плани эса 107 фоиз қилиб бажарилди. Ҳозир корхона рўмолларига талаб жуда катта. Фабрика маъмурияти харидорларнинг ўсиб бораётган талабини ҳисобга олиб, 1990 йилда 100 минг сўмлик ортиқча рўмол ишлаб чиқаришни планлаштирди.

Д. Дўсмуханова цех жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Фабрика комсомол ҳаётида ҳам мунтазам иштирок этиб келади. Шунингдек, Дилбар фабрикада комсомол ҳаётини ёритаётган «Комсомол прожектори» деворий газетасининг фаол аъзоларидан.

— Ўз ишимдан мамнунман, — дейди биз билан суҳбатда Дилбар. — Тикувчилик сирларини мукаммал билиш ва ҳаётда ўз ўрнимни топиш менинг келгусидаги орзуимдир.

Ҳосил КАРИМОВ.

Қалбдаги из

⊙ ҲАЁТ бир жойда тўхтаб турмаганидек, умр ҳам югурик. Йиллар тарих ғилдирагини олға айлантираверади. Орқага бир назар ташласанг, шунда умрнинг ўтиб бораётганини сезасан, киши.

Шоҳида опанинг машинистқалик қилаётганига ўттиз йилдан ошиб кетди.

Шоҳида опа мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ машинистқалик касбига меҳр қўяди. Бу меҳр уни Бешёғоч майдонидаги жумҳурият машинкада ёзув курсига етаклаб келди. Ўқишни муваффақиятли тугатганидан сўнг республика прокуратурасига машинистка бўлиб ишга келди. Кейинроқ эса «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида ишлади. Шоҳида опа бу ердаги олти йиллик меҳнат фаолиятида жуда кўп байналмилалчи малакали машинисткалар билан танишди. Шоҳида опанинг ўттиз йилдан ошиқ меҳнат фаолиятида бу олти йил алоҳида зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Чунки жуда кўп малакали машинисткалар билан у бир хонада бир оиладек ишлади. Булар: татар қизи — Гулсум, Ойша, Муаззам, уйғур қизи — Ҳадича, ўзбек қизи Муҳаббат ва бошқалардир. Шоҳида опа бу машинисткаларни ҳозир ҳам меҳр-муҳаббат билан тилга олади.

Шоҳида опа Расулова 1974 йилдан то ҳозирги кунгача «Партия турмуши» журналида машинистка бўлиб ишлаб келмоқда. Узоқ йиллик меҳнат фаолиятида у фахрий ёрлиқлар ва бир неча марта пул мукофотлари билан тақдирланган.

Инсон ҳаётида шундай бахтли кунлар бўладики, у бир умрга қалбингда ўчмас из қолдиради. Ана шундай қувончли воқеалар Шоҳида опа ҳаётида кўп марта рўй берган. Шоҳида опанинг кўп йиллик меҳнатлари ҳисобга олиниб, у «Меҳнат ветерани» нишони билан тақдирланди. Дарҳақиқат у меҳнатни севадиган, чарчашни билмайдиган заҳматкаш аёл.

Иззат АҲМЕДОВ.



БЕШ ФАЗИЛАТ

Беш хил аёллар учун азият чекса арзийди:

⊙ Олижаноб, покиза ва гўзаллар учун;

⊙ Ақлли, қаноатли, иффатли, вафолилар учун;

⊙ Бутун ҳаракатларини ўйлаб қиладиган, эрини борида ҳам, йўғида ҳам ҳурматлаб, ўзини ва номусини сақлаганлар учун;

⊙ Яхши-ёмон кунларда фидокор бўлишни ўзларига шиор қилиб олганлар учун;

⊙ Юзидан кулги аримайдиган, тили ширин, қўли баракали, қадами қутлуғ бўлганлар учун.

«КАЛИЛА ВА ДИМНА»дан.

Қизлар дафтаридан

ЁЛҒИЗЛИК...

Кўнгил осмонида ойман
бир ўзим
Ҳолимни сўровчи бирор
дўстим йўқ.
Ёмғирларга тўладир кўзим,
Кўкрагимни ўяр лаҳча чўғ.
Эҳ, дардимни ёргим келади,
Тушунмайди мени ҳазонлар,
Йўлларимга говлар тўлади,
Уйғонаман чўчиб азонлар.
Куз осмонга ичирар қасам
Юрагимни босаверар юк.
Кўтаролмай дод солай десам
Ҳеч бўлмаса душманим
ҳам йўқ...

* * *

Керак эмас садақа бу кун,
Керак эмас шавкатли бу тун.
Ва шунчаки кўрсатмоқлик бўй
Йиғлаб-йиғлаб кутганим учун!
Қўлларингдан тортиб
келмаса,
Қалбингга дард ортиб
келмаса,
Бўла қолсин майлига чил-чил,
Бу нотавон, бу ожиз
кўнгил!..

Хосият БОБОМУРОДОВА.

Меҳр-шафқатли бўлайлик

«ТАШЛАБ КЕТМАНГ, ПОЛАПОНЛАРНИ»



● ШАХМАТ белгиси қўйилган сариқ «Газ—24» дарвозага эллик чақирим етмай тўхтади. Ундан башанги кийинган бир аёл билан беш ёшлар чамаси бола тушди. Аёл маҳкам ушлаб турган боланинг қўлчаларини бўшатиб, энгашганича бир нима деган бўлди-ю, машинага қайта ўтирди. Машина ғизиллаб яна ортга юриб кетди.

Машинанинг ортидан ҳайҳайлаганича чопган Холида опа қанча югурмасин улгуролмади. Бола эса машина кетган томондан кўз узолмай она деб бўларди.

Холида опа секингина болани бағрига босар экан, унинг кафтидаги кўз ёшлар билан чапланиб кетган ёзувга кўзи тушди. Боланинг миттигина қўлчасига «Боламни сизга топширдим» деб ёзиб қўйилганди. Бундай воқеанинг кўп маротаба шоҳиди бўлган Холида опа «садқаи она» деганича боланинг кўлидан етаклади.

Холида Каримованинг 24-болалар уйига директорлик қилаётганига ҳам ўн олти йилдан ошди. Эсини танибдики, тарбиячилиққа ҳаваси уйғонди. Боғчада ишлаб юриб, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтини тамомлади. Ўшанда шаҳарда эндигина боғчалар сони кўпайиб бораётган пайт эди. 58-болалар боғчасида иши билан ибрат кўрсатган Холидани раён. халқ маорифи масъулятли жойга қўйишни лозим топди. Шундай қилиб, темирйўлчилар болалари учун очилаётган муассасага юборилди. Ҳали ҳеч қандай жиҳозлари ҳам йўқ боғчада ҳаммасини бошидан бошлаш керак эди. Холида яна бола тарбиясидан вақт топиб боғчанинг хўжалик ишлари-ю, қурилиш муаммоларигача ўз гарданига олганди. Унинг устига онаси, фарзандларининг ташвиши. Хуллас, аёл бошн билан ҳаммасига улгуришга ҳаракат қиларди. Қийинчилик билан бўлса ҳам секинаста яна ҳаётн бир изга туша бошлади. Боғчанинг юмуши уй ташвиши билан, болаларнинг ташвиши фарзандларинники билан ўйғунлашиб, яхлит бир негизга айлана борди.

1974 йили унга 24-болалар уйини бошқаришни тавсия этишди. Ўзи очиб, меҳнати сингган боғчасини ташлаб кетиш қанчалик оғир бўлмасин, етим болаларнинг бошини силамаслик яна унга тинчлик бермасди.

Ҳа, дарвоқе, юрагида инсонийлик фазилати жўш урган кишини бегуноҳ қора кўзларнинг термулиши қандай эритмайди дейсиз. Даҳшатлиси, уларнинг аксарияти тирик етимлар. Ҳаётга келиб ота-она дийдори нима эканлигини билолмай вояга етаётган гўдаклар. Уларнинг мунгли чеҳраларига қараб туриб, Холида опанинг қалбини ўкинч, изтироб ва шундай оналарга нисбатан нафрат ҳислари чулғаб оларди. Орадан кўп ўтибди, опанинг қувончи-ю дарди шу болалар билан бўлиб қолди. Елғиз пайтларда учратиб қолиб, ҳол-аҳвол сўрагудек бўлсангиз, болалардан гап очади. Йўқ, улардан сира нолимайди. Аксинча, парвариш қилаётган ниҳолини кўкка бўй чўзганини кўриб қувонган боғбон сингари тўлиб-тошиб гапира кетади:

— Хайрият, илк иш бошлаган кезларимга нисбатан бу болаларнинг сони 200 тага камайди.

— Бундан ҳам камайиб кетиб, сизга иш қолмасачи? — дея ҳазил аралаш сўраймиз ундан.

— Вой, ундан ҳам яхши. Тарбиячи эмасманми, ота-онаси бор болаларга қарардим. Қани энди сиз айтган кунга тезроқ кела қолса. Йўқ, бу ерда ташланган болалардан нолимайман, фақат уларнинг кемтик кўнглини олиш нақадар оғирлигини билсангиз эди. Уларни кеч оқшом дераза томон кўз ташлаб қўйишларини кузатаман. Қўлчалари ўйинчоқларда-ю, кўзлари деразада. Онажонисининг келиб қолишидан умидвор, ҳар куни кутишдан чарчамайди.

— Холида опа, ишингизни бошқа касб билан алмаштирармидингиз?

— Ҳаёт менга бола боқишдек завқли ҳунарни инъом этибди. Гарчи болаларда бахтни топган бўлсамда, уларни ҳеч қачон она меҳрига зор бўлишини истамайман. Ахир, қуш ҳам полопонини ташлаб кетишга кўзи қиймайдику, нега инсон деган буюк зот бунга кўнникиб бораяпти. Менга шу нарса ҳеч тинчлик бермайди...

Феруза ҲУСАНОВА.

Оқшомхон диққатига ҳавола

БИР КЕЛИННИНГ СЎЗИ

⊙ Ота-она қиз чиқарса ёки ўғил уйлантирса аввало, яхши жойга қуда бўлсам, куёв ҳам, келин ҳам ақллиҳушли, ҳар томонлама гўзал бўлишларини орзу қилади. Тўйгача қуда бўлмишлар бир-бирларини ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олиб, ўтқазгани жой тополмайдилар. Катта ваъдалар беришади. Хўш, кейин-чи?..

Келинг, яхшиси бир келиннинг сўзларини тинглайлик.

— Мен шу хонадонга тушганимга ҳали бир ярим йил ҳам бўлгани йўқ. Эрим билан бирга ўқиганмиз, севишиб турмуш қурдик. Бир боламиз бор. Энди икки ойлик бўлди. Ҳозир уйда унга қараяпман. Қайнонам эрта билан ишга кетадидар. Бир ўзим кучим етганча, ҳамма ишларни қилишга ҳаракат қиламан. У киши келишига ҳовли ва кўча эшиги олди супурилган, ҳаммаёқ саранжом-саришта, овқат қилинган бўлиши шарт.

Қайнонамнинг кейинги пайтдаги хатти-ҳаракатлари бизни жуда қийнаб юбораяпти. Нима қилишга ҳайронмиз. Туғруқхонадан чиқишим билан: «Ота-онангизга бориб айтинг, қайнонам бешик оламан деяптилар, келаси ойдан қолмасин, бекаси-кўст ҳаммаси бўлсин, нимдан буён маошимни тийин-тийинигача санаб олади-лар. Йиғилган пулларга тилла зирак ва тақинчоқлар харид қилиб онамга берибдилар. «Мана бунинг пулини тўлангда, бешикда бирга қўшиб олиб боринг, битта-ю битта қизингиз-а», дебдилар. Буни эшитиб, ота-онамнинг жуда жаҳли чиқди. Аммо нимага ўрнига қўй етаклаб келишсин, ахир битта-ю, битта қизларисиз-а! Тушундингизми?», — дедилар.

Ота-онам: «Майли, бешик олса, берамиз-да», деб ҳаракатга тушиб кетишди. Қайнонам келин бўлиб тушганимдан буён маошимни тийин-тийинигача санаб олади-лар. Йиғилган пулларга тилла зирак ва тақинчоқлар харид қилиб онамга берибдилар. «Мана бунинг пулини тўлангда, бешикда бирга қўшиб олиб боринг, битта-ю битта қизингиз-а», дебдилар. Буни эшитиб, ота-онамнинг жуда жаҳли чиқди. Аммо бир нима дейишса, ўртада менинг тақдирим... яна ўзларини босишди.

Яқинда турмуш ўртоғимнинг туғилган куни бўлди. Ота-онам костюм-шим келтиришди. Бир неча кундан кейин қайнонам қизига бешик қилганда совғани сўраб, сарпога қўйиб юбордилар. Сенга кейин олиб берамиз, дедилар. Мана ҳозиргача костюм ҳам, шим ҳам йўқ.

Ҳар куни хонадонимизда янги гап чиқиб туради. Бўлмаса қайнонамнинг уйқуси келмайди. Чақалоғим ниҳоятда йиғлоқ, кечалари бирор егулик олиш ниятида ҳолодильникни очиб қолсам бормн, балога қоламан. Кейинги пайтда умуман яқинлашмайдиган бўлдим. Умр йўлдошимга: «Сиз болага бироз қараб туринг, юмушларни қилиб олай», — дейишим билан ўртага қайнонам тушиб, ўғилларини жеркиб беради-лар. Ў киши ҳам бир нарса дейишга ботина олмайдилар.

Энди яна бир гап чиқиб қолди. Мен боламга оладиган 35 сўмлик нафақани омонат кассага йиғар эмишман. Келаси йилда қайнонам шу маблағ билан курортга дам олиш учун борар эканлар. Келгусида мени яна қандай «мўъжизалар» кутаяпти, билмадим?».

Ҳаётимизнинг барча қатламларида қайта қуриш бормоқда. Лекин негадир оиларда сезилмайди. Корхонада киши ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилади-ю, аммо оилада бундай эмас?! Ёшларнинг ҳеч вақт ўтмай, ажралиб кетишларига шу ҳам сабабчи эмасмикан? Қайнона — она деймиз. Шундай экан, у ҳали турмуш қийинчиликларини кўрмаган ёш келинга йўл-йўриқлар кўрсатиши лозим эмасми? Сиз нима дейсиз, азиз газетхонлар?

Раҳимжон ОРИПОВ.

Орасталик сири

Гулгун чеҳра



⊙ ШИФОБАХШ ниқоблардан фойдаланилса юз териси соғлом ва латиф бўлади.

Бунинг учун бир дона тухум олиниб, оқ-сариғи билан обдон аралаштирилади-да, олдиндан яхши ювилган ва ёғланган (агар тери қуруқ бўлса) юзга ниқоб қилиб суртилади. Сўнгра совуқ сувда намланган пилик билан артиб ташланади.

Юз терисининг қайишқоқлигини ошириш, сўлғинликдан асраш ва айни вақтда тери ҳужайраларига озиқлантирувчи таъсир кўрсатиш учун тухум сариғи ва табиий асал муштараклигида тайёрланган ниқобдан фойдаланиш яхши натижа беради. Бунда тухум сариғи бир ош қошиғи миқдоридаги асал билан қориштирилади, сўнг ювиб, артилган юз терисига юпқа ниқоб қилиб тортилади. Ниқоб 15 — 20 минутдан сўнг сувланган пахта билан ювиб ташланади. Лозим кўрилган тақдирда мавкур амал қайта-қайта такрорланиши мумкин. Бу муолажа юз териси нормал ва қуруқ бўлган аёлларга тавсия этилади.

Дono ҲЎЖАЕВА,
доришунос.

Турфа олам

МАНА БУНИ ВАЪЗХОНЛИК ДЕСА БЎЛАДИ!

Дублин университетининг талабаси Пол Иган ирландияликлар жаҳондаги энг сўзамол халқ эканлигини яна бир бор исботлади. У ўз ваъзхонлигини шанба куни кечқурун бошлаб, душанба куни эрталаб тугатди. Шундай қилиб у тинимсиз 32 соат 25 минут гапирди. Бир-бирини алмаштириб турган тингловчилар унинг нутқидан ирқчилик муаммоси ҳақида, Кенияда реббининг ривожланиши ҳақида, унинг келажакка мўлжалланган шахсий режалари ва миллий лотерея ўйинларидаги энг катта ютуқлари ҳақида хабар топдилар.

ОФИЦИАНТЛАР ЭСТАФЕТАСИ

Францияннинг Оре шаҳрида (Морбиан департаменти) одатдан ташқари эстафета пойгаси бўлиб ўтди. Беш нафар официант роппа-роса ўн икки соат вақтни сарфлаб, 127 километр масофани босиб ўтди. Агарда бир лекини бўлмаганда, ушбу «ютуқ»нинг ҳеч ажабланарли жиҳати бўлмасди. Гап шундаки, пойга қатнашчилари эстафета таёқчаси ўрнига бир-бирларига устига бир шиша чанқовбосди ичимлик ва икки қадаҳ қўйилган патнисни топшириб югуришди. Янги «жаҳон рекорди»нинг муаллифлари ўзларининг яхшигина тиришқоқликлари ва жисмоний тайёргарликлари билан бир қаторда юксак касб маҳоратларини ҳам намойиш этишди. Пойга давомида улар патнисга қўйилган шиша ва қадаҳларни бирор марта ҳам қулатиб юборганлари йўқ. Энди ана шу ютуқ Гиннеснинг рекордлар китобига қайд этилади.

КЕЛАЖАК КОМПЬЮТЕРИ

Келажак компьютери қандай бўлади? Авваламбор у экранининг катталиги ён дафтардан катта бўлмаган ихчам қурилма бўлиб, видеофильмларни намойиш этишга, одам нутқини тушунишга ва такрорлашга қодир, эгасига аслини олганда ҳар қандай маълумотларнинг компьютер банки билан ёки унинг абонентлари билан боғланиш имконини берадиган бўлади. Машҳур «Эппи Компьютер» фирмасининг мутахассислари ана шундай фикрда.

Инсон билан компьютер ўртасидаги алоқа ниҳоят даражада енгиллашади, сабаби электрон-ҳисоблаш машиналари овоз билан берилган ҳар қандай фармойишни тушунадиган бўлади. Савол беришингиз биланоқ сиз талаб қилган ахборот экранда намоён бўлади. Компьютердан ихчам видеотелефон сифатида фойдаланишингиз, алоқа канали орқали ахборот қабул қилишингиз ёки ахборот беришингиз мумкин.

Фирма мутахассисларининг фикрига қарағанда ана шундай машина тахминан «келгуси асрда» яратилади.



Финляндиянинг ҳудудида истиқомат қилувчи шимолий элатларининг вакиллари ўз асрий анъаналарини сақлаб қолишга ниҳоятда катта эътибор берадилар. Халқ рақсларини ижро этиш, мусиқа ва қўшиқларнинг матнлари, миллий кийимларининг андозалари ва тикилиш технологияси авлоддан авлодга ўтиб келаяпти.

СУРАТДА: Финляндиянинг жанубий-шарқий қисмида яшовчи халқларнинг анъанавий либоси.

«АҚЛЛИ МАШИНАЛАР»

Парвоз вақтида самолёт экипажини лаззатли таом билан таъминловчи ошпаз-робот, учувчиларнинг уйқуга кетиб қолмасликларига ёрдам берувчи қурилма, ҳаво кемаси корпусидаги ёриқларни излаб топишга қодир робот — бу Японияннинг Жал авиакомпанияси ташкил қилган «XXI аср технологияси комитети» ишлаб чиқадиган «ақлли» машиналарнинг тўла бўлмаган рўйхатигина холос. Мазкур авиакомпания ўз эҳтиёжлари учунгина эмас, ҳаво орқали юк ташишга ихтисослашган бошқа фирмалар учун ҳам энг янги транспорт системаларини ишлаб чиқарувчи жаҳондаги биринчи авиакомпания бўлади.

Компания вакилининг гапларига қараганда, ўз технология ечимлари Жал стратегиясининг таркибий қисмидир. Бугунги кунда у ана шу соҳада магнитли поездни, самолётларни ювувчи улкан роботни, бошқа техника янгиликларини яратиш жараёнида тўпланган бой тажрибага эга.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ

Оқшомхонларнинг хатларини ўқиб

Ғалабангни соғинганмиз, «Пахтакор»

⊙ **РЕДАКЦИЯГА жамоатчи мухбиримиз Ортиқ Махмаюсупов мамнун ҳолда кириб келди. Сабабини сўрадик.**

— «Пахтакор»нинг бош тренери Фёдор Новиков билан суҳбатлашдим, — деди у. — Команда албатта чиройли ўйинлар кўрсатиб, биринчи лигадаги кучли клублар орасида бўлишини айтди. Ҳозир Қибрайдаги спорт базасида кунига икки марта машқ ўтказилаяпти. Йигитлар зўр бериб чиниқиш билан бирга назарий билимларни ҳам эгаллаб бормоқдалар.

Футбол мавсуми яқинлашган сари жамҳуриятимиздаги кўпмингли ишқибозлардан хатлар келиб турибди, телефонлар тез-тез «безовта» бўлаяпти. Куюнчаклик билан ёзилган мактубларда газеталар «Пахтакор»нинг бугунги мавқеи, команда ва унинг рақобатчилари ўз олдиларига қўйган мақсадлари билан қизиқишади, турли хил саволлар билан мурожаат қилишади.

«1988 йилги мавсумнинг II давра ўйинларини севимли командамиз кўтаринки руҳда, яхши натижалар билан ўтказганини маълум, — деб ёзади Тошкент халқ хўжалиги институтининг 2-курс талабаси Берднёр Умирқулов. — Ушанда «Пахтакор» кеккайиб йилни албатта олий лигага чиқади, деб умид қилган эдик. Ленин, афсуски, ишончимиз оқланмади. Ўтган йилги мавсумнинг 1-даврасида команда яна яхши ўйин кўрсатса-да, никеличи ярмида сусайиб кетди. Хўш, нега? Бу саволни мухлислар ўзларича таҳлил қилиб, собиқ бош тренер В. Носовнинг коллективни ташлаб кетишида, деб топдилар. Ленин, мана 5 йилдирки «Пахтакор» А. Яновский, Г. Денисов, М. Қосимов, А. Абдураимов каби яхши ўйинчиларни

Ғалабангни соғинганмиз, «Пахтакор»

бўла туриб олий лигага чиқа олмаяпти. Менимча, янги бош тренер аввало коллективда ҳамжиҳатликни юзага келтириши, сафарда ҳам ўз майдонидек ўйин кўрсатилишини таъминлаши зарур».

«Бизларни «Пахтакор»нинг келажаги қизиқтиради. Командага четдан бош тренер келганини етмаганидек ўйинчилар ҳам таклиф қилинмоқда. Наҳотки ўзимизда тузукроқ футболчилар топилмаса. 2-лигада, Ўзбекистон чемпионатида ўйнаётган қанча командалар бор-ку, ахир. Масалан, Грузия ёки Арманистон командаларининг тарихибига назар ташласак дарвозабон, ўйинчилар, тренерлар, команда врачларигача маҳаллий миллат вакиллари эканини кўрамиз. Майли, «Пахтакор»да фақат ўзбеклар эмас, ҳеч бўлмаганда Ан, Фёдоров каби жумҳуриятимизда туғилиб, яшаётганлар ўйнашсин. Четдан келган тренер ва ўйинчилар ҳисобига тўп сурган команда яна аввалги аҳволга тушиб қолмасмикан, деган хавотирдамиз.

Ҳурмат билан, Тошкент шаҳри, Пешетов кўчасида яшовчи мухлислар:

А. ХЎЖАҚУЛОВ, Ш. ҲАСАНОВ, Ф. ҲУСАНОВ, М. ОРТИҚОВ».

Шундай мазмундаги хатларни Марғилон шаҳридаги Охунбобоев номидаги ремонт ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси З. Каримов, Наманган вилояти, Ҳаққулобод шаҳридан Д. Ҳайдарова, Тошкент вилоятидаги Навоий номли колхоздан А. Тўрақулов, Тошкент шаҳридан А. Мирсаидов ва бошқалар ҳам йўллашган.

Бу йилги мавсум янада шиддатли, кескин ўтиши ўзўзидан равшан. «Пахтакор»нинг дастлаб рақиблар майдонида, бунинг устига олий лигани тарк этган «Зенит» (Ленинград) билан учрашуви муваффақиятли ўтиши жуда муҳимдир. Мухлислар севимли командамиз келажакда қандай имкониятларга эга эканлиги, ўйинчиларнинг қобилиятини аниқлаб оладилар.

Энди кўп сонли оқшомхонлар илтимосига биноан пахтакорчиларнинг биринчиликдаги ўйинлари жадвали билан таништирамиз.

1-ДАВРА
АПРЕЛЬ

7. «Зенит» (Ленинград) — «Пахтакор».
10. «Нефтчи» (Боку) — «Пахтакор».
17. «Пахтакор» — «Нистру» (Кишинев).
20. «Пахтакор» — «Металлург» (Запорожье).
26. «Локомотив» (Горький) — «Пахтакор».
29. «Факель» (Воронеж) — «Пахтакор».

МАЙ

6. «Пахтакор» — «Динамо» (Ставрополь).
9. «Пахтакор» — «Ростсельмаш» (Ростов-Дон).
15. «Қайрат» (Олмаота) — «Пахтакор».
30. «Кузбасс» (Кемерово) — «Пахтакор».

ИЮНЬ

2. «Локомотив» (Москва) — «Пахтакор»
7. «Пахтакор» — «Шинник» (Ярославль).
10. «Пахтакор» — «Геолог» (Тюмень).
14. «Спартак» (Оржоникидзе)—«Пахтакор».
17. «Қотайк» (Абовян) — «Пахтакор».
24. «Пахтакор» — «Торпедо» (Кутаиси).
27. «Пахтакор» — «Динамо» (Ботуми).

ИЮЛЬ

2. «Тирас» (Тирасполь) — «Пахтакор».
5. «Таврия» (Симферополь) — «Пахтакор».
11. «Пахтакор» — «Кубань» (Краснодар).
14. «Пахтакор» — «Динамо» (Сухуми).

2-ДАВРА
АВГУСТ

6. «Нистру» — «Пахтакор».
9. «Металлург» — «Пахтакор».
15. «Пахтакор» — «Локомотив» (Горький).
18. «Пахтакор» — «Факел».
24. «Динамо» (Ставрополь) — «Пахтакор».
27. «Ростсельмаш» — «Пахтакор».

СЕНТЯБРЬ

2. «Пахтакор» — «Қайрат».
12. «Пахтакор» — «Кузбасс».
15. «Пахтакор» — «Локомотив» (Москва).
20. «Шинник» — «Пахтакор».
23. «Геолог» — «Пахтакор».
29. «Пахтакор» — «Спартак».

ОКТЯБРЬ

2. «Пахтакор» — «Қотайк».
8. «Динамо» (Ботуми) — «Пахтакор».
11. «Торпедо» — «Пахтакор».
18. «Пахтакор» — «Таврия».
21. «Пахтакор» — «Тирас».
27. «Динамо» (Сухуми) — «Пахтакор».
30. «Кубань» — «Пахтакор».

НОЯБРЬ

5. «Пахтакор» — «Зенит».
8. «Пахтакор» — «Нефтчи».

Саломатлик манбалари

Ҳаваскор саёҳатчилар

⊙ **КЕЙИНГИ пайтда турли ҳаранат турлари, масалан, велосипед, чанғи, қайиқ ёрдамида ёки яёв юриб ҳордиқ чиқариш одат тусига кириб қолди. Тошкентда саёҳат ишқибозлари талаб-истакларини мувофиқлаштирувчи саёҳатчилар клуби ишлаб турганини ҳали кўпчилик билмаса керак.**

— Сизлар асосан нима билан шуғулланасизлар? — мурожаат қилдик клуб директори, қояга чиқиш спорти бўйича СССР спорт усталигига номзод С. Переудинга.

— Саёҳатнинг барча турлари бўйича пуллик хизмат кўрсатаяпмиз. Айниқса, дам олиш кунлари уюштирилаётган сайрларга алоҳида эътибор берилаяпти. Пойтахт аҳли «Чимён» саёҳат комплекси ва «Янгиобод» спорт базасида кўнгилли ҳордиқ чиқариб қайтмоқдалар. Дам олувчилар транспорт, чанғилар, эҳтиёж бўлса озиқ-овқат билан таъминланишаяпти. Уларга малакали кузатувчилар ҳамроҳ.

— Табиат муҳофазаси ҳозирги кунининг муҳим масалаларидан биридир. Бу борада қандай ишлар қилинаяпти?

— Сайру саёҳат ва табиатни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Агар шу мутаносиблик бузилса сўзсиз, табиатга зарар етказилади. Гўзал тоғ бағирлари, ғорлар, сув ҳавзалари ва бошқа бойликларни келажак авлод учун асраб-авайлашимиз лозим. Бу муқаддас ишга сайёҳлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари зарур. Ҳозир пойтахтдаги 164-мактабда «Экологик сўқмоқлар» маршрути ишлаб чиқилмоқда, Тошкент шаҳар ёш сайёҳлар станциясида эса тўгараклар ишлаб турибди. Кейинги пайтда экологик саёҳатлар ўтказишга ҳам эътибор берилаяпти. Булардан ташқари, саёҳатчиларга табиат муҳофазаси юзасидан фойдали маслаҳатлар бериш йўлга қўйилган.

— Сергей Николаевич, ҳаваскор саёҳатчиликнинг истиқболи нимада деб ўйлайсиз?

— Менимча, саёҳатдан кейин кишида яхши кайфият, кўтаринки руҳ, катта меҳнат қобилияти пайдо бўлишида. Саёҳатчилар сайру-саёҳатдан ташқари турли спорт мусобақаларида қатнашадилар. Масалан, ўтган йилнинг ўзида Тошкентда 20 дан ортиқ беллашувлар ташкил этдик. Уюштирилган сафарларда эса 850 нафар киши иштирок этди. Тадбирлар, айниқса ёшларга маъқул бўлаяпти. Биз келажакда саёҳатнинг тоғ чанғи турини ривожлантирмоқчимиз. Ҳозирдан қизиқувчилар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Суҳбатдош Е. КИМ.

УЧРАШУВЛАР, НАТИЖАЛАР

БАҲСЛАР КЕСКИН ЎТАДИ

⊙ **ПОЙТАХТДАГИ 36 та махсус ўқув юртларининг талабалари иштирок этадиган бу тадбир шаҳар жисмоний тарбия ва спорт қўнгилли жамияти томонидан ташкил этилди.**

Беллашувлар 3 та гуруҳда ўтказилади. Ҳар бир команда совринли ўринни эгаллаш учун пухта тайёргарлик кўришган. Спартакиадада спортнинг волейбол, баскетбол, қўл тўпи, миллий кураш каби 10 тури бўйича ғолиблар аниқланади.

— Биринчи бўлиб баскетболчилар майдонга тушишди, — деди учрашув ҳаками, жумҳурият тоифасидаги ҳакам Ю. Шиманский. — Ўтган йилги спартакиада ғолиби — Тошкент геология қидирув техникуми вакиллари ҳам иштирок этмоқда. Учрашувлар кескин ва қизғин ўтиши ҳозирданоқ сезилиб турибди.

Спорт байрами апрель ойигача давом этади.

Ш. САЪДУЛЛАЕВ.

«ЧАРМ ТЎП» ТОМ ОСТИДА

⊙ **«ТРАКТОР», «Меҳнат резервлари», «Чиғатой» спорт комплекслари ва 77-мактаб стадионида мини-футболдан қишки биринчилик бошланди.**

Мусобақаларда 1975 — 78 йилларда туғилган ўсмирлардан иборат 16 клуб вакиллари иштирок этишади.

Командалар 4 гуруҳга бўлинган ҳолда майдонга тушадилар. Ўйинлар бир даврада ўтказилади. Ғолиблар фахрли ўринлар учун куч синашадилар.

О. ЮСУПОВ.

УЧИНЧИ АНЪАНАВИЙ

⊙ **ТЕЛЬМАН номидаги маданият ва истироҳат боғида Фёдор Абрасимов хотирасига бағишланган 3-анъанавий кросс турнири бўлиб ўтди.**

50 спортчи қатнашган мусобақаларда аёллар 4 километрга, эркаклар эса 8 километрга югурдилар. «Кентавр» ва «Старт» клубларининг аъзолари О. Стенфану ҳамда Б. Мўминовлар ғолиб бўлишди.

Шу куни мактаб ўқувчиларининг беллашуви ҳам ўтказилди.

Ш. ШОҚОСИМОВ.

⊙ **Инсон куч-қудрати жуда чексиз. Олов устидан ялангоёқ юриб ўта оладиган ҳинд йогларини ҳақида эшитгандирсиз? Нигоҳи билан нарсаларни жойидан қўзғата оладиган экстрасенс Жуна Давиташвилини-чи? Болгариялик каромат чи аёл — Ванга ҳақида дунё матбуоти жар солаётир. Гап шундаки, бу кишилар ғоят мушкул юмушнинг уддасидан чиқишган — ақл, руҳ ва тан барқарорлигига эришишган. Шарқ яккакурашининг асосида ҳам шу ғоя ётади. Қуйида инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун ажойиб мезон — каратэ-до (Қуролланмаган қўл билан жанг қилиш) йўллари ҳақида ҳикоя қиламиз.**

Шарқ яккакурашидан сабоқлар

ЯШИРИН ҚУДРАТ



⊙ **СУРАТДА: Тошкент Давлат университети жанговар комсомол отряди аъзолари машқ пайтида.**

Каратэнинг асосий ҳаракатлар системаси бундан 80 йил илгари, Япониянинг Окинава оролида ишлаб чиқилган эди. Тарихий ривоятлар икки минг йил аввал Ҳиндистон князларидан бири қўл ва оёқ орқали бериладиган зарбалар таъсирини ўз қўлларида синаб кўрганлиги ҳақида ҳикоя қилади. 1470 йилда эса Будда монахи Водхидхарна «мушт» системасига катта эътибор берди ва ўзининг Экин-Кю ёки Шаолинь-су Кемпо номли жанговарлик туркумини яратди. Хитойда ўз-ўзини ҳимоялаш усуллари Хуан-Фо, Кунг-Фу, Кемпо, Тайшу каби номлар билан аталган эди.

XV асрда хитой аскарлари Окинава оролини забт этиб, икки аср давомида ҳукмронлик қилишди. Оролда вужудга келган махсус кураш тури Окинава-тэ ёки окинавача каратэ деб аталди. Фақат XX асрдагина японлар бу санъатни пухта эгаллашга муяссар бўлдилар. Бунда Окинава кураш усталари Гошин Фунакоши, Асамото Моиобу ва Нориаси Абеларнинг хизмати катта бўлди. Кейинчалик улар Токиода ҳимояланиш усуллари мактаби — «Шотокан»ни очишни таклиф қилдилар. Бунгача Японияда фақат жиу-житсу ва дзю-до (асосчиси Дзигаро Кано, 1882 йил) бор эди, холос.

Каратэ санъатида Масутаци Ояма ҳамда Гошин Фунакошилар энг катта зафарларга эришдилар. Қуйида европалик каратэ устаси Р. Хабидзетцернинг китобидан бир парча келтирамиз:

«Қора белбоғ» энг тажрибали усталарга бериладиган даражадир. Ҳақиқий каратэчи учун шунчаки бир унвон холос.

«Қора белбоғ» ўз навбатида «дан»ларга бўлинади. Бир неча йил аввал бешинчи «дан» энг юқори босқич эди, унга уч-тўрт киши гина етиша олганди. Кейинроқ дзю-до усулларидан фойдаланиб, ўнта «дан» ишлаб чиқилди. Ҳозирги вақтдаги энг юқори даража — саккизинчи «дан». Масалан, биринчидан то тўртинчи «дан»гача бориш учун камида ўн икки йил машқ қилиш зарур. Бешинчи «дан» каратэ билан умр бўйи шуғулланишни талаб этади...»

Каратэнинг услублари ҳам жуда кўп. Аммо энг машҳури «шотокан» ҳамда «вадарю»дир. Дунёда биринчи бўлиб 10 «дан» унвони сохиби Масутаци Ояма асос солган «кехи-шанхий» усули ўзининг шафқатсизлиги билан ажралиб туради. Унга кўра, татами (гилам)га тушган икки устанинг бири, албатта тўлиқ маҳв этилиши керак. Бу эса кўпинча ўлим билан тугарди. Ояма вафот этди, аммо у киритган шафқатсиз анъаналар сақланиб қолди. 1989 йилда Сеулда ўтказилган «фу-контакт» мусобақалари буни яна бир бор тасдиқлади.

Мамлакатимиздаги кўпгина у-шу бирлашмаларида машғулотлар асосан каратэнинг «шотокан» ҳамда «вадарю» услублари бўйича олиб борилади. Шу ўринда пойтахтдаги «ТайВИ» ассоциациясига қарашли Тош-Ду жанговар комсомол отряди ҳақида тўхталмоқчимиз. Бу ерда 10-12 ёшли болалар, олий ўқув юрти талабалари, шунингдек, қизлар ҳам «шотокан» машғулотларига қатнашадилар. Тошкентдаги 243-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Гулбаҳор Алимова ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг 1 курс талабаси Фотима Қаюмовалариинг машқ қилаётганларига бир неча ой бўлди, холос. Аммо шу вақт ичида улар устоз Ф. Ҳамидовнинг эътиборини қозонишди. Бундай отрядлар қаторига яна Қўқондаги «Одамийлик ва инсонпарварлик жамияти» аъзоларини киритиш мумкин. Шунингдек, пойтахтдаги «Инь-Ян» бирлашмаси олиб бораётган ишлар ҳам диққатга сазовор. Мазкур бирлашма ўтган йили Тошкент Давлат циркида кўрик-мусобақалар ўтказди.

И. СУЛТОНОВ.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАР, КОРХОНАЛАР, КООПЕРАТИВЛАРНИНГ

РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Ҳисоблаш техникаси ва информатика ишлаб-чиқариш бирлашмаси ҳузуридаги
ТОШКЕНТ ИНФОРМАТИКА МАРКАЗИ
ППЭҲМ да ПРОГРАММАЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ БЎЙИЧА
КУРСЛАРГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Машғулотлар — группаларнинг тўлишига қараб бошланади.

Таълим учун нақд пул тариқасида ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: 700115, Тошкент шаҳри, Гагарин кўчаси, 11-уй. Телефон 77-11-11.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРАРО ПАССАЖИРЛАР ТАШИШ АВТОПАРКИ

турли тадбирларга хизмат кўрсатиш учун чекланмаган миқдорда

«Икарус-250» ва «ЛАЗ-695» маркалардаги автобусларга, шунингдек, Ленинобод, Фарғона, Самарқанд ва Бухорога экскурсия-туристик группалар сафарларига

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Кўрсатилган хизмат учун нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.

Адрес: Тошкент области, Оржоникидзе районн, Свободний посёлкаси. Телефонлар: 65-35-55, 65-33-54.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

АВТОҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ МАГАЗИН-САЛОНИ СИЗЛАРГА ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Мой қайтаргич қопқоқчалар, мой сарфи, тутун билан бирга чиқадиган заҳарли моддаларни камайтиришда ёрдам беради, туташга йўл қўймайди.

Баҳоси — 10 сўм.

Енгил автомобиллар учун молдинглар. Улар сизнинг автомобилингизни тартибсиз йўл юраётган ҳайдовчининг автомобили билан тўқнашишдан асрайди. Баҳоси — 37 сўм.

Адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй. Телефон 33-89-12.

ТАНТАНАЛИ КУНГА КЎРКАМ ЛИБОС ЯРАШАДИ



Эркаклар либосини классик услубда тикилган костюмсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай костюмда ҳамма ўзини эркин ҳис қилади, келишган, башанг кўринади.

Байрам куни — **23 февраль** яқинлашиб қолганлигини ҳисобга олиб, «Чилонзор» Марказий универсал магазинига киришга ошиқинг. Шу ердан, иккинчи қаватдаги «Эркаклар костюмлари» секциясидан сиз ўзингизга мос костюм танлашингиз мумкин. Бўй-басти 40 дан 60 гача, нархи 80 сўмдан 160 сўмгача. Оч ва тўқ кулранг, жигарранг, йўл-йўл ва сидирға костюмлар шулар жумласидандир. Классик услубда тикилган. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқарган.

Шу ернинг ўзида янги костюмга мос кўйлак харид қилса бўлади. Костюм тантана муносабати билан харид қилинганини ҳисобга олиб, кўйлакнинг ҳам сидирғасини харид қилган маъқул.

«Чилонзор» марказий универсал магазинида эркаклар учун бегим кунларга мўлжалланган турли либослар бор.

Ип-газламадан тикилган йўл-йўл, сидирға кўйлаклар. Ёқасининг катталиги 37 дан 42 гача. Нархи 6 сўм 50 тийиндан 9 сўмгача;

шойи газламадан тикилган енги узун ва калта кўйлаклар. Ёқасининг катталиги 37 дан 42 гача. Нархи 11 сўмдан 16 сўмгача;

Сергели ва Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаларида жун газламадан тикилган шимлар шулар жумласидандир. Бўй-басти 46 дан 52 гача. Нархи 28 сўмдан 40 сўмгача.

«Чилонзор» Марказий универсал магазини танаффуссиз соат 9 дан 20.00 гача ишлайди. Дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 2, 50, 153, 181, 182-автобуслар, 7, 11, 16-троллейбуслар. «Чилонзор» Марказий универсал магазини» бекати.

«ЧИЛОНЗОР» МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ.

«Союзреклама» Бутунittифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Тошкент шаҳар аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касбга йўллаш маркази

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ж. ОБИДОВА НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТАМАКИ ФАБРИКАСИГА:

бош механик, бош конструктор, биринчи категориядаги конструктор, инженер-механиклар, сигарета машиналарини созловчи механиклар, сигарета машиналарининг машинистлари, ускуналар ремонти бўйича слесарь.

МЕҲНАТГА ИШБАЙ-МУКОФОТ ТАРЗИДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИ.

Ёлғиз кишилар ётоқхонада жой билан таъминланадилар.

Идорага қарашли болалар боғчаси ва Чимёнда дам олиш зонаси мавжуд.

Маълумотлар юзасидан Киров район аҳолини ишга жойлаштириш бўлимига мурожаат қилинсин — Энгельс кўчаси, 48-уй.

Ўзбекистон ССР Спорт давлат комитети
«УЗСПОРТКОНЦЕРТ» БИРЛАШМАСИ

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА

23 ФЕВРАЛЬ СОАТ 18.00 ДА,
24 ФЕВРАЛЬ, СОАТ 17.00 ДА,
25 ФЕВРАЛЬ СОАТ 14.00 ДА
БИРИНЧИ МАРТА

«ШАРҚНИНГ ЖАНГОВАР САНЪАТИ»

КАТТА СПОРТ ШОУ-ПРОГРАММАСИ

— ТАЭКВОН-ДО,
— КАРАТЭ-ДО,
— АЙКИ-ДО,
— ДЗЮ-ДО,
— У-ШУ.

ПРОГРАММАДА, шунингдек НАРГИЗА ЗОКИРОВА, РУСТАМ ШАРИПОВ ва «БАЙТ», «БОЛАЛАР» группалари, «САТУРН» рақс группаси иштирок этади.

Программада қатнашиш учун спонсорлар таклиф қилинади.

БИЛЕТЛАР СПОРТЛОТО ДЎКОНЧАЛАРИДА СОТИЛАДИ.

Маълумотлар учун телефон — 39-47-22.

Томошабинларга томошалар бошланишига бир соат қолгунга қадар ва томошалар тугаши билан метронинг «Пахтакор» станцияси — «Юбилей» марказий спорт саройи ўртасида транспорт хизмати кўрсатилади.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
7, 8 МАРТ СОАТ 19.30 да

Хоразм тароналари

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон комсомолининг мукофоти совриндори КАРИМБОЙ РАҲМОНОВ

Лирик хонандалар ҚЎЗИБОЙ ОТАЖОНОВ, САЙЁРА НАЗИРОВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ГАВҲАР МАТЁҚУБОВА, ОДИЛ КАМОЛХЎЖАЕВ.

«Қизиқчи-89» аския кўригининг совриндори ТОЛИБ ва ШЕРАЛИ ҲОЖИЕВЛАР. РУСТАМ МАМАДМУРОДОВ

Раққоса ЗУЛФИЯ УЗОҚОВА.

Программани Тошкент телевидениесининг диктори РАҲМАТИЛЛА МИРЗАЕВ **олиб боради.**

Билетлар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 21 /II да **Жизель.** 22/II да **Бўрон,** 23/II да **Қуёшга таъзим қил.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АҚАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/II да **Пуч,** 22/II да **Нажот истаб,** 23/II да **Куёв.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 21/II да **Хотиннинг эри,** 22/II да **Мушкул савдо,** 23/II да **Гул ва Наврўз.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 21/II да **Паранжи сирлари,** 22/II да **Отасининг қизи.**

КИНО

21 ФЕВРАЛДА БАДИЯ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МИССИСИПИ АЛАНГА ИЧИДА» (катта зал, 18.30, 20,40).

Чайка — «КИЧИК ГУВОҲ» (18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (17.00, 20.00).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (17.00); «ЕВУЗ ҚУЧ» (18.30, 21.00).

Восток — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16.00).

Москва — «ЭЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» (17, 19.20, 20.40),

22, 23, 24 ФЕВРАЛДА БАДИЯ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МИССИСИПИ АЛАНГА ИЧИДА» (катта зал, 11.30, 16, 18.30, 20.40).

Чайка — «КИЧИК ГУВОҲ» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «КУНЛАРНИНГ БИРИДА АМЕРИКАДА» (12, 14.30, 17.20).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (11, 13, 15, 17.00). «ЕВУЗ КУЧ» (18.30, 21.00).

Восток — «ҚАСОС ВА ҚОНУН» (11, 13.30, 16.00).

Москва — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ» (11, 13, 15.00), «ЭЛЛАНГАН ПОЛИЦИЯЧИ» (17, 19, 20.40).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВОЛАШ-ФИЗКУЛЬТУРА ДИСПАНСЕРИ

массаж кабинети ва саломатлик группалари ёрдамида

АҲОЛИГА ПУЛЛИ МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ КЎРСАТАДИ.

Диспансер қошида иссиқ сув тўлдирилган ёпиқ сув ҳавзаси, сауна мавжуд.

Иш вақти — соат 7 дан 20.00 гача.

Адрес: Тошкент шаҳри, Луначарский шоссеси, 235-уй.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг

ЙЎҚИ ИШЛАР БОШҚАРМАСИ

1990 йил учун

СССР Ички ишлар министрлигининг Харьковдаги ички олий ҳарбий билим юрти, СССР Ички ишлар министрлигининг Новосибирск, Оржоникидзе, Саратов, Пермь, Орёл командирлик олий ҳарбий билим юртларига, СССР Ички ишлар министрлигининг «ВЛКСМ 60 йиллиги» номли олий снёсий билим юртига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 4 йил.

Ўқишга ўрта маълумотли, 17 дан 21 гача ҳарбий хизматга чақирилиш ёшидаги кишилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: 700015, Тошкент шаҳри, Жуковский кўчаси, 87-уй. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ички ишлар бошқармасининг кадрлар бўлими. Телефон 56-97-43.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛУВЧИ ПУНКТЛАРДА ВА ШИША ТАРАЛАРДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ СОТИШ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ БАРЧА ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИДА

барча турдаги ва ҳажмдаги бўш шиша идишларни

ҚАБУЛ ҚИЛИШ

ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

ШИША ИДИШЛАРИГА БЕЛГИЛАНГАН НАРХЛАРДА НАРХ ТЎЛАНАДИ.

Агарда сиз эртаси кун магазинга кириб яна минерал сув, «ПЕПСИ-КОЛА» ва бошқа салқин ичимликларни сотиб олишни истасангиз бўш шиша идишларини ўз вақтида магазинларга топширинг.

Справкалар учун телефон 33-72-59.

«Тошкент оқшоми» газетаси редакциясига малакали машинистка керак.

Мурожаат учун телефонлар — 33-57-02, 32-55-35.

Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ таълими бўлими, касаба союз ташкилоти, 179-ўрта мактаб коллективи ўқитувчи Ф. Аҳмедовага қизи

ФЕРУЗАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р. — 01118.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.
1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.